

Меҳнату ақлу
вужуд иттифоқ,
Одаимийда бўлса
гар яхши тилак.
Халқ учун тебрат-
гуси доим билар.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Анбар ОТИН

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 18-iyul, chorshanba № 57 (8498)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб ғазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2012 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 20 июль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида муборак бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик ғазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг қўламли

ишларимизни тарғиб этиш, ушбу кўтлуг ойда амалга ошириб келинадиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев вазифасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 17 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 17 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов томонидан 2012 йил 19 январда республика ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ошириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини тезлаштириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва батафсил таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон иқтисодиётида инкирозли ҳодисалар кучаяётгани ва унинг ўсиш суръатлари секинлашганига қарамай, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифа-

лари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастурлари тизими ва изчил амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7,1 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми — 8,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортиқ бўлмади.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш ҳамда маҳаллий товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми — 25,7 фоизга, чакана товар айланмаси — 12,5 фоизга ва хизматлар — 14 фоизга ўсишини таъминлади. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши 2011 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича 48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизгача ўсди.

(Давоми 2-бетда.)

ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Сўнгги бир неча йил давомида кенг халқаро жамоатчилик, нуфузли экологик ташкилотлар вакиллари, кўпчилик мамлакатларнинг сув ҳўжалиги қурилиши соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот марказлари мутахассислари эътибори Тожикистоннинг Амударёнинг юқори қисмида қуввати 3600 МВтга тенг Роғун ГЭСи иншоотлари комплексини куриш лойиҳасини қайта жонлантиришга доир қайсарона хатти-ҳаракатлари муҳокамасига қаратилмоқда.

Аввал бир неча марта таъкидланганидек, Роғун ГЭСини куриш лойиҳаси кенг қўламли жиддий технологик, ижтимоий, экологик ва ижтимоий-иқтисодий таҳдид ҳамда хавфларни келтириб чиқаради. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нуфузли халқаро ташкилотлар ва мутахассислар, шунингдек, Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу, аввало, қуйидаги асосий омиллар билан боғлиқ. Биринчи навбатда, Роғун ГЭСи

қурилишининг ҳар жиҳатдан хавфсиз гидроиншоотлар қурилишини таъминлаш бўйича ҳозирги замон талабларига мувофиқ мос келмайдиган эски стандартлар, қурилиш норма ва қоидалари бўйича 35–40 йил муқаддам, совет даврига хос гигантоманияга интилишга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган техник-лойиҳа ечимларининг бугунги талабларга мувофиқ жавоб бермаслиги билан изоҳланади. Буни нуфузли мутахассислар ва экспертлар ҳам бир неча бор таъкидлаган.

(Давоми 2-3-бетларда.)

**ГАЗЕТАНУ
ВАРАҚЛАГАНДА:**

**«МЕН
ЮРТИМГА НИМА
БЕРДИМ?»**
ёшларимиз шундай
масъулият билан истиқбол
сари интилоқда
5-бет

**ЎҚИТУВЧИДА
ИШТИЁҚ
ЎЙФОТИНГ**
6-бет

**ОТА
ИБРАТИ — ҲАЁТ
МАКТАБИ**
11-бет



ёҳуд бир китобнинг узилмас қарзи

Халқимиз ҳеч қачон истеъдод масаласида зорикмаган. Юртимизнинг ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳалласи эл-улус хизматидаги истеъдодли шoir, ёзувчи, олимлари, санъаткору спортчилари билан фахрланади.

Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййид ҳам мамлакатимизнинг шундай истеъдодларга бой гўшаларидан бирида улғайган. Тугилган қишлоғи, ўқиган мактаби, таҳсил олган устозу мураббийлари, мактабда таълим-тарбия олаётган бугунги ёш авлод олдиди қарздорлик, бурчдорлик ҳисси шоирни салкам қирқ

йил олдин битирган мактаби томон яна бир бор қорлади. Шуниси аниқки, Ўзбекистонимиздаги 9763та мактабнинг ҳар бири мана шундай даражадаги истеъдодли битирувчилари билан фахрлана олади. Уларнинг ҳар бирига ҳеч бўлмаса бир мартадан шундай ташриф, дарсдан ташқари ноаънавий дарс уюштирилса, бунинг ибрати, болаларга берилган далласини тасаввур қилиш қийин эмас...

Шоирнинг ўзи ўқиган мактабда ўтган дарсдан ташқари дарси билан газетамизнинг 8-, 9-бетларида танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, баркамол ёш авлоднинг тарбиялашда оиланинг ролини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Маҳлис кун тартибидagi масалаларни қўриб чиқиш давомида республикада ва унинг ҳудудларида ишбилармонлик ва рақобат муҳитини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ривожланишини рағбатлантириш ишлари ҳолатини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Охириги икки йилда иқтисодий янада эркинлаштириш, энг қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёз ва преференцияларнинг кенг рўйхатини тақдим этиш бўйича қўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар мамлакат бизнес муҳитида ижобий ўзгаришларни таъминлаганини қайд этилди. Бу мамлакатда ва унинг ҳудудларида ишбилармонлик муҳити индекси яшиланишида, амалда иқтисодийнинг барча кўрсаткич ва соҳаларида кичик бизнеснинг аҳамияти ва улуғи изчил ўсиб боришида ўз аксини топмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун энг қўлай шарт-шароитларни шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди, унда хусусан бир қатор давлат статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, 80та рухсат бериш тартиб-таомилларини ва 15та фаолият турларини лицензиялашни бекор қилиш қўзда тутилган.

Тегишли вазирлик ва идоралар олдида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармондаги норма ва талабларни сўзсиз амалга оширилишини, икки ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензия ва рухсат беришга оид ҳужжатлар олишга тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган йиғимлар миқдорини камида икки мартага камайтиришни ҳисобга олган ҳолда қайта қўриб чиқишни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Маҳлиса 2012 йилги Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш бўйича тармоқ ва комплекс дастурлар бажарилиши, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилган хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштирилиши муфассал қўриб чиқилди. 2012 йилнинг I ярим йиллигида фаол инвестиция сиёсати амалга оширилиши туфайли ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 7,6 фоизга қўлайитириш таъминлангани ва 531та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилгани қайд этилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузил-

масида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоқли ўрин тутди, уларнинг улуши 80 фоиздан ортиқчи ташкил этди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ижтимоий соҳа объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўрилиши зарурлигига қаратилди.

Маҳлисада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардор маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2012 йил 26 мартдаги қарорини бажариш бўйича ишларнинг аҳолини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни кучайтириш, экспорт тузилмасини янада диверсификациялаш ва ташқи сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар натижасида экспорт 18,8 фоизга ўсиш таъминлангани ва ташқи савдо айланимисидан салмоқли ижобий сальдога эришилгани қайд этилди.

"Ўзқурилишматериаллари" ва "Ўзвиносаноат-холдинг" компаниялари, "Ўзфарманоат" концерни, Озқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларига идоравий мансуб ва ҳудудий корхоналар раҳбарларининг тегишли тармоқ ва ҳудудлардаги экспортга етказиб бериладиган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтиришнинг мавжуд захираларини тўлиқ сафарбар этиш бўйича шахсий масъулиятини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига экспортга маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган саноат корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этиш, шунингдек, сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини кенг жорий этиш ва маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги сертификатциясини амалга оширишга қаратилган комплекс қўшимча чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Маҳлис кун тартиби доирасида янги қишлоқ массивларида фойдаланишга тайёр шартларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуриш, уларни зарур муҳандислик, транспорт, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси билан таъминлаш ишларининг ҳолати батафсил муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуришни ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар учун "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари фаолияти танқид қилинди. Улар олдида 2012 йилда фойдаланишга топширилган назарда тутилган янги қишлоқ массивларида 8510та яқка тартибдаги уй, уларга кириш йўллари, сув таъминоти ва бошқа муҳандислик коммуникациялари тизимларини қуришни йил охиригача тугаллашни таъминлаш бўйича қатъий талаблар қўйилди.

Маҳлисада Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлисининг ҳар икки палатаси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури параметрлари бажарилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Қабул

қилинган мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йилнинг I ярим йиллигида 510,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари, улардан 345 мингтадан ортиғи ёки 68 фоизга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилгани қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдида биринчи навбатда ташкил этиладиган иш ўринлари сонини қўлайитириш ва уларнинг сақланишини таъминлаш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадларини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар қўриш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шунингдек, 9-синф битирувчиларини, айниқса қизларни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш бўйича тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш чора-тадбирларига эътибор қаратилди.

Маҳлисада иқтисодий тармоқларини, ишлаб чиқариш инфратузилмасини, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектиларини бўлажак куз-қиш даврига тайёрлаш ишларини ташкил этиш ҳар томонлама қўриб чиқилди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида иқтисодий тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектилари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирларининг бутун комплекси ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, "Ўзбекэнерго", "Ўзтрансгаз" компаниялари, шунингдек, бошқа идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлигини алоҳида таъкидланди. Улар олдида уй-жойлар, идоравий мансуб корхона ва ташкилотлар, шу жумладан ижтимоий аҳамиятдаги объектиларга иссиқлик ва энергияни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Шунингдек, мева-сабзавот ombорхоналари ва совутиш камералари тармоғини кенгайтириш ва модернизация қилишни жадаллаштириш, куз-қиш даврида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари билан кафолатли таъминлаш учун уларни зарур ҳажмда тайёрлаш ва фамлашни ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича республикадаги вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳўкумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2012 йилги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сўнгги ўн йилда йирик ГЭСлар барпо этган қурувчилар (Хитой Халқ Республикасидаги "Уч дара", Россия Федерациясидаги Саяно-Шушенск ва Богучанск ГЭСлари, Жанубий Америкадаги йирик ГЭСлар ва бошқалар) тўқнаш келган кенг қўламли муаммо ва ҳалокатлар бугунги кунда бундай гидроиншоотларга қўйилаётган стандарт ҳамда талаблар мутлақо ўзгаргани, бунинг натижасида қўп ҳолларда бундай иншоотларни қуриш масаласини қайта қўриб чиқиш, тўхтатиш ва, ҳаттоки, улардан воз кечишга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, совет даври мутахассислари Роғун ГЭСини лойиҳалаштириш давридаёқ ҳал этилмай қолган қатор муаммолар масалалар юзасидан зарур техник ечимларни топа олмаган эдилар. Жумладан, катта миқдордаги сувнинг тўғон остида қоладиган йирик туз қатламга (қалинлиги 100 метрдан зиёд) муқаррар сингиши (филтрация) ва унинг мазкур қатламга таъсирини бартавраф этиш чоралари ҳал этилмаган, шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудуддаги тоғ жинслари массасининг тез-тез тақдорлини турадиган хавфли силжишлари ҳисобга олинмаган. Ўтган вақт мобайнида ушбу муаммолар янада мураккаблашди. 1993 йилда Роғун ГЭСидagi вақтинчалик кўтарма тўғонда содир бўлган авария ва мазкур иншоотнинг бутунлай вайрон бўлиши, шунингдек, кейинчалик юз берган бошқа бир қатор авариялар ҳам бунинг тасдиқлайди.

Иккинчидан, лойиҳада жаҳон амалиётида мисли қўрилмаган, баландлиги 335 метрлик тўғонни барпо этиш қўзда тутилган. Иншоотни бир неча марта Рихтер шкаласи бўйича 9-10 баллини ташкил қилган зилзилалар содир бўлган тоғли жойда қуриш тақдир этилмоқда.

Роғун ГЭСи қурилиши олиб борилаётган майдон Жанубий Тянь-Шань ва Ҳисор-Қоқшол минтақавий ёриғи тизимининг бир қисми ҳисобланган Вахш тектоник ёриғидagi нисбатан янги пайдо бўлган тоғ массивлари яқинида жойлашган. Ушбу зоналар Марказий Осиёдаги энг фаол сейсмик ҳудудлар бўлиб, у ерда 10 баллгача бўлган зилзилалар мунтазам тақдорлини туради. Тожикистонда ўтган асрнинг биринчи ярмида рўй берган бундай зилзилалар 100 мингдан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Мисол учун, 1911 йилда содир бўлган ер силкиншини эсга олайлик. Ўшанда 9 баллдан ортиқ зилзила Усой уюми ва 20 миллиард куб метр сув сигимига эга Сарез қўлининг ҳосил бўлишига олиб келди.

Айни пайтда ушбу ҳудудларда сейсмик фаоллик даражаси янада ошмоқда. АҚШ геология хизматининг маълумотларига кўра, Роғун ГЭСи қурилаётган майдон жойлашган Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида бугунги кунда ҳафтасига саккиз мартагача зилзила қайд этилмоқда. Тожикистонда ўртача ҳар тўрт йилда қучли, ҳар 10—15 йилда эса ҳалокатли зилзилалар рўй бермоқда. Қўллаб экспортлар маълумотларни таҳлил қилиш асосида кейинги 10 йил мобайнида ушбу тоғ массивида қучли ҳалокатли зилзилалар юз беришини тахмин қилмоқда. Бунини, шу жумладан, тожикистонлик сейсмолог олимларнинг тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

Айни пайтда, бундай катта дамбани қуриш учун 80 миллион куб метр тупроқни қўчириш ва ётқизиш ишларини бажариш талаб этилади. Бунинг натижасида сув ombоридида 14 миллиард тонна сув тўпланади ва тоғ массивига қўшимча босим ҳосил қилади. Бу эса, шубҳасиз, минтақанинг сейсмик жиҳатдан заифлигини оширади ва шунини ишонч билан айтиш мумкинки, Роғун ГЭСи қурилиши натижасида ушбу ҳудудда зилзилалар тақдорлини янада кучаяди.

ЯНА БИР БОР РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Зилзила ёки техноген омиллар натижасида бундай тўғоннинг бузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Олимлар ва муҳандисларнинг фикрича, бундай ҳолда сув омборида тўпланган 14 куб километр сув ҳосил қиладиган кучли динамик босим катта (соатига қарийб 500 километр) тезлик билан Вахш дарёси оқими бўйлаб қўйига 100 метр баландликдаги шиддатли тўлқиннинг, таъбир жоиз бўлса, "ясама цунами"нинг юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида Нурек ГЭСи тўғони, Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭСлар ва гидроэзеллар бутунлай вайрон бўлади, Нурек, Сарбон, Қўргонтепа ҳамда Румий шаҳарлари бутунлай сув остида қолади. Боз устига, ушбу тўлқин ҳалокатли ҳаракатини давом эттириб, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистондаги бошқа ўнлаб шаҳарлар ва қишлоқларни сугуприб кетади ва сувга гарқ қилади, мислсиз фожиали оқибатларни юзага келтиради, юз минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлади.

Учинчидан, Роғун ГЭСи лойиҳаси Марказий Осиё мамлакатлари атроф-муҳити ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларига узок йиллар ўнглаб бўлмайди-ган даражада катта хавф солади.

Катта гидроиншоот қурилиши минтақадаги заиф экологик мувозанатга путур етказиши, сув ҳўжалиги ва экологик вазиятга ҳалокатли таъсир кўрсатади. 14 куб километр ҳажмдаги сув резервуарини ҳосил қилиш камда 8—10 йил давомида Вахш дарёси оқимини кескин чеклашни талаб қилади. Бу эса минтақада сув оқимидан кўп йиллар самарали фойдаланиш ва уни бошқариш жараёнини бутунлай издан чиқаради, ҳатто, шусиз ҳам танқислиги ортиб бораётган сув ресурсларининг ҳалокатли даражада камайиб кетишига олиб келади.

Станциянинг барпо этилиши оқибатида табиий сув оқими тизими бутунлай издан чиқиб, вегетация масъумида сув ҳажми кескин камади, кўз-киш даврида эса уни ўтказиш ҳажми ва сарфи ошади. Бу Амударё кўйи оқимидида жойлашган мамлакатларда ёзда сувнинг кескин камайишига, кучли кург-оқчиликка, шунингдек, қишда ҳалокатли тошқинларга сабаб бўлади.

Амударё оқими гидрологик режимининг ўзгариши натижасида ўзланардаги йўқотишлар ҳам ортади. Ҳозир ҳам сув тақчил мавсумларда бундай йўқотишлар 15 фоизгача етмоқда. Гидрологик режимнинг ўзгариши оқибатида Амударё кўйи қисмидаги қўллар ва ветландларнинг қуриш жараёни бир неча марта тезлашади, янги шўрхок ва тақир ерлар пайдо бўлади. Оқибатда у қишлоқ ҳўжалик экинлари етиштириладиган майдонларни туз бўронлари билан зарарлайдиган аёвсиз манбага айланади, тупроқ унумдорлиги ҳамда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Бунинг оқибатида дунё микёсидидаги экологик муаммо ҳисобланган Орол денгизи ҳалокати янада мураккаблашади.

Шу тариқа, Ўзбекистон ва Туркменистон ишлаб чиқаришининг иқтисодий асоси бузилади ҳамда ушбу мамлакатларнинг Амударё кўйи оқимларидаги воҳаларда яшаётган 10 миллиондан ортиқ аҳолиси турмуш тарзи батамом издан чиқиди, одамлар қуроқчилик ва очликка маҳкум бўлиб, алал оқибат бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида Амударё кўйи қисмида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистоннинг бевосита иқтисодий йўқотишлари 20 миллиард доллардан ошади. Бу зарарни қоплашни ҳеч ким зиммасига олмоқчи эмас. Ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган сув ресурслари тақчиллиги шароитида миллионлаб одамларнинг мажбуран кўчиши билан боғлиқ кўплаб қўшимча иқтисодий ва ижтимоий муаммолар пайдо бўлади, минтақада ижтимоий беқарорлик кескинлашади.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши оқибатида юзага келадиган иқтисодий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул, қолаверса, миллионлаб одамлар чекадиган азоб-уқубат ва бахтсизлик кўламини қайси валюта ва қандай рақамлар билан ўлчаб бўлади? Турган гапки, бундай тўғоннинг қурилиши нafaқат техник стандартлар ва иқтисодий мантиққа, балки соғлом ақлга ҳам зиддир.

Роғун ГЭСи қурилиши оқибатида юзага келадиган айнан мана шу таҳдидлар халқаро жамоатчиликни, БМТ, Катта тўғонлар бўйича халқаро комиссия, Бутунжаҳон сув кенгаши, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи каби кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, Европарламент, АҚШ, Бельгия ҳамда бошқа давлатлар парламенти аъзолари, Япония, АҚШ, Голландия, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар илмий-тадқиқот марказларини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Сўнгги бир неча йил мобайнида турли даражада БМТнинг нуфузли тузилмаларида, халқаро илмий-амалий форумлар ва конференцияларда мазкур лойиҳа билан боғлиқ муаммоларнинг кенг кўламда муҳокама этилиши натижасида халқаро жамоатчида ушбу лойиҳани чуқур, синчковлик билан ҳолис мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги тўғрисида принципиал позиция шаклланди.

Таъкидлаш лозимки, мустақил экспертларнинг фикр-мулоҳазалари трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш соҳасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади. Бу масалалар бўйича БМТнинг қатор конвенциялари (1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро қўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция, 1997 йил 21 майда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция) қабул қилинган. Мазкур халқаро ҳужжатларда амалга оширилиши трансчегаравий таъсир билан боғлиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин трансчегаравий сув объектлари ҳудудида жойлашган барча томонлар манфаатларини, албатта, ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги талаблар қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, 1997 йилда кучга кирган Трансчегаравий нуктаи назардан атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенцияда бундай объектлар қурилишининг экологик оқибатларини тўлиқ ҳисобга олиш ва манфаатдор барча томонларни жалб этган ҳолда, таъсирни ҳар тарафлама баҳолаш кўзда тутилган.

Жаҳон банки ушбу халқаро ташкилотлар ва тузилмалар фикрлари-

ни эътиборга олиб ва халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилда Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда уни амалга ошириш учун 20 миллион доллар ажратди. Европанинг Франция, Швейцария ва бошқа мамлакатларидан қатор фирмалар ушбу лойиҳани амалга оширмоқда ҳамда экспертизани 2013 йилнинг биринчи чорагида якунлаш қўтилмоқда.

Ўз навбатида, Тожикистон ҳукумати 2010 йилда мазкур лойиҳа амалга оширилиши оқибатларини мустақил техник-иқтисодий ҳамда ижтимоий-экологик баҳолаш ишлари якунланмагунча ГЭС ҳудудида қурилиш ишларини олиб бормаслик мажбуриятини ўз зиммасига олган. Айни пайтда, Тожикистон Халқаро валюта жамғармасининг Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини молиялаштириш учун мамлакат аҳолисидан мажбурий равишда пул йиғиш кампаниясини тўхтатиш талабини қабул қилган.

Бироқ, минг афсуски, бугунги кунда Тожикистон томони Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятлари билан ҳисоблашмай, Роғун ГЭСида қурилиш ишларини олиб бормаслик тўғрисида эришилган келишуларни ўзбошимчалик билан кўпол равишда бузиб, "ҳавойи ғоя"ларини зўр бериб амалга оширишга ҳаракат қилаётганини таъкидлашга тўғри келади.

Кўплаб фактлар Тожикистон халқаро жамоатчида пинҳон тутган ҳолда, станция ҳудудида ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган кенг кўламли қурилиш ишларини ёпиқ режимда давом эттираётганидан далолат беради. Айни пайтда станция майдонида, сув ташлайдиган тунеллар қурилишида, машина зали, карьерлар ва станциянинг бошқа объектларида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, Тожикистон ҳукумати тузилмалари томонидан Роғун ГЭСи иншоотларини лойиҳалаштириш ишларига хорижий (Россия, Украина ва бошқа мамлакатлардан) пудрат ташкилотлари фаол жалб этилмоқда. Бир пайтнинг ўзида Тожикистон томони станциянинг биринчи навбатини ишга тушириш учун зарур бўладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузмоқда. **Жумладан, биринчи энергия блоки учун сотиб олинган, тайёрланган ускуналар аллақачон станция майдонида келтириб қўйилган, иккинчи энергия блокнинг ускуналарини тайёрлаш якунланмоқда ва уларни келтириш чоралари қўрилмоқда.**

Кейинги бир неча йил давомида Тожикистон катта миқдорда бюджет маблағларини ажратиш (ҳар йили 200 миллион доллардан зиёд) билан бир қаторда, Халқаро валюта жамғармаси олдидаги мажбуриятларни бузиб, аксарият Тожикистон фуқароларининг молиявий аҳоли оғирлигига қарамай, сўнгги пайтда Роғун ГЭСи акцияларини аҳолига мажбурлаб сотиш ишларини яна фаоллаштирди.

Ушбу барча латти-ҳаракатлар яқинда "Ким Роғун лойиҳасига қарши бўлса

— тожик халқининг душманидир" деб баёнот берган Тожикистон раҳбариятининг кучли тазйиқи остида амалга оширилмоқда.

Табиий савол туғилади: Тожикистон Роғун ГЭСи комплексини қуриш бора-сида амалга ошираётган бундай ҳаракатлардан қандай мақсадни кўзлаятти, нима учун кўплаб ҳақли эътирозларни назар-писанд қилмай, халқаро ҳуқуқ нормаларини кўпол равишда бузган ҳолда, станциянинг биринчи навбати қурилишини шошилинч якунлашга уринмоқда?

Жавоб аниқ — Тожикистон раҳбариятининг бундан кўзлаган мақсади станциянинг биринчи навбати қурилишини якунлаш ва шу тариқа Жаҳон банки ҳамда бутун халқаро жамоатчиини илжосиз аҳволда қолдириб, экспертлар жамоамияти ва халқаро тузилмалар кескин қарши чиқаётган мазкур лойиҳани "қонунийлаштириш"дан иборатдир.

Ҳақиқий вазиятнинг бузиб кўрсатиш, чалғитиш, амалга оширилаётган ишларни жаҳон жамоатчилигидан бекитиш йўли билан Тожикистон томони вақтдан ютишга ва бошланган ишларни гўёки якунига етказиш орқали халқаро экспертларни Роғун ГЭСи қурилиши билан ноиложликдан мурося қилишга мажбурламоқчи.

Шу билан бир пайтда Тожикистон томони ўз назорати остидаги оммавий ахборот воситалари ва "ёлланма экспертлар" ёрдамида мамлакат аҳолисини Роғун ГЭСи қурилишининг муқобили йўқлигига ишонтириш мақсадида реал фактлар, халқаро экспертларнинг кўплаб далил-исботларини бутунлай бузиб кўрсатиб, рақамлардан ўз ҳийла-найранглари асосида фойдаланган ҳолда масъулиятсизлик билан ташвиқот олиб боришга уринмоқда.

Улар бу билан ушбу лойиҳа келтириб чиқарадиган ҳалокатли таҳдид ва хавф-хатарлар билан ҳисоблашмай, ўз мақсадлари йўлида ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиб, мумкин ва мумкин бўлмаган барча воситаларни ишга солган ҳолда Роғун ГЭСини қуришга ҳаракат қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпчилик халқаро экспертлар ва Тожикистонга қўшни — Амударёнинг қўйи оқимидида жойлашган мамлакатлар Тожикистонни кам маблағ сарфлаган ҳолда, қисқа муддат ичида электр энергияси билан ишончли таъминлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам берадиган, Тожикистон учун ҳам, унга қўшни давлатлар учун ҳам техноген, экологик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга катта хавфларни келтириб чиқармайдиган оқилона, муқобили йўли — қатор кичик ГЭСлар қуриш таклифини билдирмоқда. Зеро, ушбу муқобили вариантни кўриб чиқиш Жаҳон банки томонидан амалга оширилаётган ишларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Юқорида баён этилган фикрлардан қўйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан. Тожикистон томони халқаро экспертлар ва мутахассисларнинг кўплаб оғохлантиришлари ҳамда тавсияларига беписандлик билан қараб, Жаҳон банки томонидан ўтказилаётган халқаро экспертиза якунига етмай туриб, барча қурилиш ишларини тўхтатиб туриш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни кўпол равишда бузган ҳолда Роғун ГЭСи қурилишини давом эттираётгани билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Иккинчидан. Бугунги кунда Тожикистон томони халқаро жамоатчилик ҳамда Амударё оқимининг қўйи қисмида жойлашган мамлакатлардан пинҳона амалга ошираётган сиёсат — Роғун ГЭСи комплекси қурилишининг давом эттирилиши олдиндан айтиб ва кейинчалик ўнглаб бўлмайдиган ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Табиийки, бунини инобатга олмаслик мумкин эмас.



❖ Наманган шаҳрида "Аёл зийнати – миллат кўзгуси" шиори остида фестивал бўлиб ўтди. Унда олти юз нафарга яқин хотин-қиз иштирок этди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурига мувофиқ, Наманган вилоятида ҳам оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларга муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш борасида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бир неча ўқув марказлари ташкил этилиб, уларда хотин-қизларга турли касб-хунарлар ўргатилаётгани оилалар фаровонлиги ва мустаҳкамлигига хизмат қилаётир.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалдан кўзланган асосий мақсад ўз хунари, меҳнат фаолияти ва ижтимоий фаоллиги билан муваффақиятларга эришяётган аёллар тақрибасини оммалаштириш, улар ўртасида фикр ва тажриба алмашишни йўлга қўйишдир.

Фестиваль иштирокчилари "Энг яхши хунарманд аёл", "Энг яхши пазанда", "Энг яхши новвой аёл", "Энг яхши қандолатчи", "Энг яхши миллий либос устаси" каби номинатциялар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Голиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

❖ Андижонда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига бағишланган "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида адабиёт ҳафталиги ўтказилди.

Ҳафталик тадбирларида Тошкент шаҳри, Фарғона ва Наманган вилоятларидан келган таниқли шоир ва ёзувчилар, ёш ижодкорлар иштирок этди.

Шахрихонда ташкил этилган "Мустақиллик мушоираси", "Устозлар билан ёш ижодкорларнинг адабий мулоқоти" каби тадбирларда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

— Ушбу анжуманда кўплаб дўстлар ортирдим, — дейди ёш ижодкор Фароғат Маматурунова. — Келгуси изланишларимда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги борасида кўп нарсаларни ўргандим. Бундай тадбирлар биз, ёшларда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириб, самарали иход қилишга ундайди.

Мушоирада она Ватан, истиқлол, тинчлик ва муҳаббатни мадҳ этувчи шеърлар янгради. Тадбирларда фаол иштирок этган бир гуруҳ ёш ижодкорлар муносиб рағбатлантирилди.

❖ Пойтахтдаги киночилар уйида "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаган кенгаши ҳамда "Ўзбекино" миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қасаба уюшмалари ходимлари, актёрлар, мутахассислар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Мустаҳкам оила йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси, оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқени мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Сўнг йиғилиш иштирокчилари учун "Мустаҳкам оила йили" га бағишланган "Бахт уйи" бадиий фильми намойиш қилинди.

❖ Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан тадбир ўтказилди.

Унда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунининг вилоятдаги ижроси кўриб чиқилди.

Тадбирда депутатлар, вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва нодавлат нотихорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Халқ таълими бошқармасида умумтаълим мактабларида мазкур конвенция ва қонунни тарғиб қилиш, унинг ижроси мониторингини юритувчи марказлар ташкил этилган. Қонун ижроси юзасидан ҳужжатлар жамланиб, вилоят бўйича умумий маълумот базаси яратилган. Қонуннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритиб берилмоқда.

Муҳокама чоғида вилоятда Конвенция ва Қонун ижроси борасида йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар танқидий кўриб чиқилди, тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Ушбу масалалар ечимига оид фикр-мулоҳазалар, амалий тақлифлар билдирилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Vatanimiz mustaqilligining 21 yilligiga



Маънавият ва тарбия маскани

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзунда маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирга шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек, Олмазор, Учтепа, Юнусобод туманларининг маҳаллалари вакиллари тақлиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар халқимиз маънавиятини юксалтириш, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий жабҳаларни янада раванг топтириш, баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Бу жараёнда маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги мавқени юксалтириш, моддий-техник базасини яхшилаш, аҳолини кучли, аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Давлат ва жамият ўртасидаги ўзига хос кўприк вазифасини ўтовчи ушбу тизим ҳаётимизда тинчлик-осойишталикни сақлашга, юртимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришга, ёшларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ушбу тизим раҳбарлари меҳнатини

қадрлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

— Беш минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи маҳалламизда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Юнусобод тумани «Уч қаҳрамон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фароғат Жумаева. — 9-синф битирувчилари касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олинди. Коллеж битирувчилари уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштирилмоқда. Ўнга яқин хотин-қиз кичик цехларга ишга жойлаштирилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ҳам боғ, ҳам оромгоҳ

Андижон шаҳридаги «Болалар боғи» бугун энг гавжум масканлардан бирига айланган. Болакайларнинг бири аргимчоқда учини ихтиёр қилса, яна бири «пойга машинаси»га минишни хоҳлайди.

Осмонўпар чархпалакдан она шаҳри жамолини кўришни истаганлар ҳам талайгина. Кимдир кичик ҳайвонот боғига кириб завқ олса, яна биров мириқиб чўмилгиси келади.

— «Болалар боғи»да келажагимиз эгаларига 36та аттракцион хизмат кўрсатаяпти, — дейди директор Муталлибжон Тўхтасинов. — Теннис корти, болалар майдончаси ва спорт-соғломлаштириш шохобчаси, сузиш ҳавзаси ҳам болажонлар ихтиёрида. Жисмоний чиниқтиришга мўлжалланган «Моҳир чавандоз», «Кувноқ шаҳарча», «Баландроқ, тезроқ» каби ўйин мажмуалари келтирилгандан бери боққа келувчилар сони янада кўпайди.

— Набирам Шохжаҳон билан бу ерга тез-тез келиб турамыз, — дейди меҳнат фахрийси Муслимаҳон Муҳаммедова. — Боғнинг озода ва саришталиги менга жуда ёқса, аргимчоқда учиб, сув ҳавзасида чўмилиш — набиранинг жону дили.

Боғдаги беҳисоб анвоий гуллар эътиборингизни тортади. Нурилло Омонов, Раъно Асқарова, Тожихон Ураимова, Майрамхон Хурбоева, Набирахон Ураимова каби ходимлар меҳнати билан боғ ҳудуди доимо озода ва обод.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Мактабда қуёш батареяси

Шўрчи туманидаги 5-мактабга вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ҳомийлигида қуёш батареяси ўрнатилди.

Ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишда электр энергиясининг роли катта. Унинг узлуksизлигини таъминлашда муқо-бил электр манбаидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Ўқитувчиларнинг янги ўқув йилидан бошлаб қуёш бата-

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига биноан 540 ўринли янги бино ва спорт залига эга бўлган ўқитувчиларимиз ушбу янгиликдан руҳланган ҳолда дарсларда замонавий технологиялардан унумли фойдаланишлар ва натижада таълим-тарбия самарадорлиги орттиришга эришамиз.

Норкуват ТўРАЕВ
Сурхондарё вилояти

Taqqirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!

Келажакка дебача

У бироқ варақлари саргайган, хира торган муқовасида қилич яланғочлаган Кенжа ботир ва маҳобатли қаср деворлари бўйлаб кўрка-писа мўралаётган шалпонқулоқ қора девнинг сурати акс этган қалин китобни ҳали ҳам эслайди. Бобосининг совғаси Ботирхонни бир-биридан ажойиб суратлари билан ўзига ром этган — бўрию тулкилар, парию ялмоғизлар, деу аждаҳолар қатнашган сирли воқеалар ичига тушиб қолгандек бўлган. Онаси Муқаддасхон ая ҳали биринчи синфни ҳам тамомламаган ўғлининг китобхонлигидан гоҳ ўзида йўқ севинса, гоҳ бироз хавотирга ҳам тушарди.

Бироқ бир воқеа содир бўлди-ю, Ботирхон энг яқин дўсту ҳамроздан айрилди. Эҳтимол, шуни-си яхши бўлгандир. Ўшанда қадрдон китобини йўқотиб қўймаганида ҳозир тенгдошлари орасида улкан муваффақиятларга эриша олмасмиди? Ёки умр йўли бутунлай бошқа соҳа билан боғлиқ бўларди. Яна ким билсин...

Севимли эртақ китобини йўқотиб қўйган Ботирхон бошини қайси деворга уришни билмасди. Дада-сига йиғлаб хархаша қилай деса, бу кўнгилсиз ҳолатнинг айбодори ўзи: китобни қўмилишга рухсатсиз олиб кетиб, анҳор қирғоғида унутиб қолдирган. Эътиборсизлиги ва ўйинқароклиги учун онаси ҳам уни бироз койиди. Ботирхон ўша китобни кутубхоналардан излашга тушди...

«Технологиядан фойдаланиш зарур деган қарорга келдим»

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси, «Келажак овози» республика кўрик-танлови ғолиби Ботирхон Зиятов ўз болалик онларини эсларкан, юзига табассум югуради:

— Ўшанда саккиз ёшда эдим. Йўқотган китобимни излаб онам билан бирга аввал мактаб, сўнгра туман марказидаги кўплаб кутубхона-

ларни ахтариб чиққанмиз. Охири бир зиё масканидан топганмиз-у, бироқ кутубхоначи опа уйга олиб кетишга рухсат бермаган (кейинроқ билсам, буни кўпроқ онам хоҳлаган экан). Мен кунора бориб, мутолаага шўнғидиган бўлдим. Сўнгра кутубхонага қатнаш, бу ерда бир-бирдан ажойиб китобларни ўқиш энг сеvimли машғулотиimgа айланди.

Чуст туманидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактабда ўқий бошладим. Математика, информатика фанларига шу қадар қизиқиб кетдимки, соҳага доир кўрган-эшитган барча адабиётларни излаб топишга ва мутолаа қилишга киришдим. Бир кунни машҳур физик олим,

кутубхона" дастурини хайъат аъзолари ва кўрик-танлов меҳмонлари синчковлик билан томоша қилмоқда: қизиқарли аломатлари ва ҳайрат учкунлари... Наҳотки, мураккаб ва истиқболли бу дастурни биринчи босқич талабаси ишлаб чиққан бўлса?!

Шу кун «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Келажак овози» республика кўрик-танловида Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Ботирхон Зиятов яратган глобал тармоқда ишлайдиган электрон дастур барча иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди. Совриңдор

да, автоматик тарзда кутубхоначи ва китобхон электрон манзилига ёки мобил телефонида бу ҳақда эслатма хабар юборилади. Электрон турдаги китобларни ўқиш имкониятининг мавжудлиги янги дастурнинг яна бир афзаллигидир. Энди китобхон кутубхоналарга бориш учун сарфланадиган вақтдан ва харажатлардан ютади. У истаган вақтда автоматлаштирилган тизимдан кутубхоналараро маълумотлар излаш, кутубхоначиларга мурожаат қилиш, буюртма бериши мумкин. Ҳозир дастурни янада такомиллаштириш устида иш олиб бораёпмиз.

Таълим-тарбиянинг «катализатори»

— Бугунги кунда замонавий ахборот ресурслари, ахборот оқимининг тавсиф ва хусусиятлари тобора ўзгариб бормоқда, — дейди ёш дастурчининг устози Қудрат Абдураимов. — Компьютер техникаси ривожланиши асосида қороз шаклидаги ахборот ташувчилар электрон воситаларга алмашмоқда. Интернет тармоғидан фойдаланиш ахборотларни мислсиз тезликда ва исталган ҳажмда Ер юзининг хоҳлаган нуқтасидан туриб узатиш ҳамда қабул қилиш имконини бермоқда. Бу эса замонавий ахборот-ресурс марказлари фаолиятида ҳам ўз аксини топаётти.

Кутубхоначиликда автоматлаштирилган, содда ва қулай дастурларнинг қўлланилиши янгилик! Ботирхон яратган «Электрон кутубхона» дастури тарбиявий ишларни ташкил этишда, талаба-ёшлар ва аҳолининг барча қатламларига кенг қамровли кутубхоначилик хизмати-ни кўрсатишда жуда қўл келади. Бу ҳолат кимёвий реакцияларни тезлаштирувчи катализаторни эслатади, яъни кутубхоначи ва китобхон ёшлар ўртасида тартибли, тезкор ва фаол алоқанинг йўлга қўйилиши таълим-тарбияни сифат жиҳатдан янги босқичга қўтариш шарти бўлиши мумкин.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

«МЕН ЮРТИМГА
НИМА БЕРДИМ?»ёшларимиз шундай масъулият билан
истиқбол сари интиломоқда

Нобель мукофоти соҳиби Альберт Эйнштейннинг «Нисбийлик назарияси» асарини топиш илмида дарсдан бўшашим билан кутубхонага шошилдим. Кутубхоначи Муқаддасхон опа китобни соатлаб излади. Биргаликда бутун захира фонд ичидан чанг босган қат-қат китобларни ҳам титкилаб кўрдик, аммо бир иш чиқмади. Шунда... замонавий технология ютуқларидан кутубхоначилик ишида ҳам фойдаланиш зарур, деган қарорга келдим. Кенг маълумотлар базасига эга ва санокли дақиқаларда ахтарган адабиётни топиб бера оладиган электрон дастур яратиш фикри уйғонди.

Ютуқларга ибтидо — ихтиро

... Автоматлаштирилган кутубхона тизимида қўл келувчи «электрон

янги ўқув йилидан «Келажак овози» стипендиясини оладиган бўлди.

— Юртимизда кундан-кун ривож топаётган ахборот технологиялари соҳасига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман, — дейди ёш ихтирочи. — Мен яратган «Электрон кутубхона» дастуридан барча ўқув мусассалари кутубхонасида фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда электрон кутубхона дастурларининг «КаДаТа», «КарМат», «Ирбис» каби бир неча турлари мавжуд. Мен яратган дастурнинг фарқи шундаки, аввало, у ўзбек тилида. Шунингдек, кутубхоначи китобхон ҳақидаги маълумотларни энди дафтарга эмас, компьютерга киритади ҳамда дастур орқали китобни бериш-қайтариш ишларини содда ва қулай электрон усулда амалга оширади. Китобни қайтариш муддати етган

ОРОМГОҲДА
ЎҚИШ ҚИЗҒИН

Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманидаги «Лочин» оромгоҳида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг йирик лойиҳаларидан бири — «Келажак овози-2012» ёзги ўқув машғулоти давом этмоқда.

Аънавий лойиҳада қатнашиш учун бу йил 18 ёшдан 26 ёшгача бўлган 2 мингдан зиёд салохиятли ёшлардан аризалар қабул қилинди. Улардан 600 нафари республикамизнинг етакчи мутахассислари ва хорижий малакали тренерлар томонидан ўтказиладиган семинар-тренингларда, маданият ва санъат вакиллари ҳамда жамоат арбоблари билан ташкил этиладиган учрашувларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Сўлим оромгоҳда иқтидорли йигит-қизлар маданият ва санъат, спорт, бизнес ва тadbиркорлик, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, журналистика каби йўналишларда олиб борилаётган қизиқарли машғулотларда билим ва кўникмаларини оширомоқда.

Суратларда: «Келажак овози — 2012» ёзги ўқув машғулотида лавҳалар

Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



Yoz — 2012

Мактабгача таълим ходимларининг анъанавий август кенгашлари шўъба ва ялпи йиғилишларини ташкил этиш ҳамда ўтқазिश бўйича методик тавсиялар

Педагогик жихатдан муҳим аҳамиятга эга анъанавий август кенгашларини қандай ташкил этиш керак? Мавзуларини қай тартибда танлаган маъқул? Йиғилишлар ҳеч бир қатнашчини лоқайд қолдирмаслиги учун нима қилмоқ лозим?

Навбатдаги анъанавий август кенгашларига тайёргарлик кўриш бўйича тақдим этилаётган тавсиялар шу каби саволларга жавоб топишда асқотади, МТМ ходимларининг ўз ишига янгича ёндашишига туртки бўлади.

Анъанавий август кенгашининг асосий мақсади:

Мактабгача таълим тизимида "Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари" ва "Болажон" таянч дастурини амалиётга татбиқ этишда педагогларнинг келгуси вазифаларини аниқ белгилаб бериш.

Асосий вазифалари:

1. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва "Болажон" дастурини бажариш бўйича белгиланган вазифаларни таъминлаш.
2. Таълим муассасалари раҳбарларининг молиявий саводхонлигини ошириш.
3. Педагог кадрларнинг узлуксиз малака оширишини "Устоз-шогирд" усулида ташкил этиш.
4. Таълим тизимида ахборот технологияларини қўллаш ва таълим жараёнига изчил олиб кириш, ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш.
5. Таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган илғор педагогик технологияларни танилаш ва жорий этиш.

6. Бола шахсига йўналтирилган таълимни кенг тарғиб қилиш.

7. Тарбияланувчилар онгида Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат туйғуларини шакллантиришда давом этиш, маънавий-ахлоқий фазилатларни такомиллаштириш.

Шўъба йиғилишларини қуйидаги йўналишларда ташкил этиш тавсия қилинади:

1. ВПКҚТМОЙнинг "Мактабгача ва бошланғич таълим" кафедраси катта ўқитувчилари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг мактабгача таълим услубчилари.
2. Мактабгача таълим муассасалари раҳбари ва методистлари.
3. МТМ психологлари.
4. МТМ тарбиячилари.
5. МТМ дефектологлари.
6. Жисмоний тарбия йўриқчилари.
7. МТМ ҳамширалари.
8. Мусиқа раҳбарлари.

Ҳар бир йўналишдаги шўъба йиғилишининг мақсади, вазифалари ва кутиладиган натижаси аниқ белгилаб олиниши лозим. Шўъба йиғилишларини ўтқазишда олдиндан тайёрланган тренерлар ёрдам беради. Тренерлар ўз соҳалари бўйича етарли билим, кўникама ва маҳоратга, жамoa билан ишлаш тажрибасига эга бўлишлари даркор.

Йиғилишларни қуйидаги шаклларида олиб бориш мумкин:

- педагогик студия;
- педагогик меҳмонхона;
- кўрғазма;
- интернет конференция;
- форум;
- давра суҳбати;
- касбий ўйинлар;
- «ақлий ҳужум» усулида долзарб муаммоларни таҳлил қилиш;
- блиц-ўйин ва сўровномалар;
- семинар-тренинг;

• регламентли мунозара.

Ўйлаймизки, шўъба йиғилишларининг намунавий усулларидан бирини ижодий ёндашган ҳолда, тажрибангизга суяниб танлайсиз ҳамда олдингизга қўйган мақсадларни муваффақиятли амалга оширасиз.

Қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш лозим:

— И.А.Каримов. «Юксак маънавият — енгилмас куч». Тошкент, "Маънавият", 2008.

— Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим концепцияси. Тошкент, 2008.

— Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. Тошкент, 2012.

— С.С.Миржалилова ва бошқалар. "Болажон" таянч дастури. Тошкент, 2011.

— Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 2 ноябрдаги "Мактабгача таълим муассасаларида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар" 252-сонли бўйруғи.

— З.А.Раҳмонкулова, Н.Курбонова. "Мактабгача ёшдаги болаларнинг математик тасаввурларини шакллантириш" методик қўлланмаси. Тошкент, 2009.

— М.Файзуллаева, М.Рустомова, З.Раҳимова. "Мактабгача таълим муассасаларида нутқ ўстириш машғулоти".

— М.Файзуллаева, З.Раҳимова. "Одоб дурдоналари" методик қўлланмаси. Тошкент, 2010.

— Ф.Назарова. Мактабгача таълим муассасасида психологик хизмат. Психологнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари тўплами. Тошкент, 2009.

— Д.Жуманова, Ю.К.Прусакова. «Кувноқ логоритмика». Тошкент, 2009.

— А.Содиқов, А.Мирзааҳмедов. «Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни овқатлантириш». Тошкент, 2008.

— А.Содиқов, А.Мирзааҳмедов. «Мактабгача таълим муассасаларида қисқа муддатли гуруҳ тарбияланувчиларини овқатлантириш». Тошкент, 2009.

2012-2013 ўқув йилида мактабгача таълим муассасалари олдига қўйилган вазифалар:

1. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Мустақам оила йили" Давлат дастурини бажариш мақсадида "Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари" ва «Болажон» таянч дастурини амалиётга татбиқ қилиш ишларини давом эттириш.

2. Мактабгача таълим муассасасида "Устоз-шогирд" анъаналари асосида методик ишлар ҳамда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш.

3. Муассасада таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда бола шахсига йўналтирилган таълимга алоҳида эътибор қаратиш.

4. "Соғлом авлод учун" дастури асосида болалар ҳаётини муҳофаза қилиш, саломатлигини сақлаш ҳамда тўлақонли овқатлантиришни таъминлаш.

5. Муассасада молиявий фаолият сифатини яхшилаш чораларини кўриш.

6. Мактабгача таълим муассасалари педагогларининг компьютер саводхонлигини ошириш.

7. Мактабгача таълим тизимини такомиллаштиришда оила, мактабгача таълим муассасаси, мактаб, маҳалла, ҳомийлар ҳамда жамoат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш.

Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази

Ҳозир таътил мавсуми бўлса-да, ўқитувчилар учун қизгин палла. Барча таълим муассасаларида анъанавий август кенгашларига тайёргарлик кўришмоқда, шўъба йиғилишларида муҳокама этиладиган мавзулар ўртага ташланапти. Ёш ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш усуллари, ўзаро тажриба алмашиш йўллари изланаётир.

Рад қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор: таълим соҳасида амалга оширилган барча сайъ-ҳаракатлар охири-оқибат ўқитувчи меҳнати орқали ўз натижасини намoён этади. Мен биологиядан дars бераман. Мактабимизда фар методбирлашмаси аъзолари билан август кенгашлари шўъба йиғилишларида ўқитувчилар эътиборини қаратиш лозим бўлган мавзуларни белгилаб олдик. Таълим самарадорлигини оширишда асосий омил ўқитувчи билими ва

ЎҚИТУВЧИДА ИШТИЁҚ УЙҒОТИНГ

маҳорати эканини ҳисобга олган ҳолда, ўқитувчи олдига қўйиладиган талаблар нималардан иборат, деган савол атрофида мулоҳаза юритишни асосий ўринга олиб чиқмоқчимиз. Хўш, ўқитувчи қандай билим ва малакага эга бўлиши лозим?

Назаримда, ўқитувчи:

- ўқитишнинг турли дидактик воситалари, мавжуд дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-методик адабиётларнинг мазмунини тўлиқ ўзлаштирган бўлиши, уларни таҳлил қила олиши;
- замонавий педагогик технологиялар, таълим жараёнини фаоллаштирувчи

воситаларни билиши, ўқув машғулотларида уларни қўллаш малакасига эга бўлиши;

- ахборот-коммуникация технологиялари, турли техник восита(микроскоплар, ўлчов асбоблари ва

билиши ва натижаларни таҳлил эта олиши;

- доимо ўз устида ишлаши, мустақил равишда малакасини ошириб бориши лозим.

Биология тирик мавжудотларнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаларини ўрганувчи илмий тадқиқот фани ҳисобланади.

Нафас олиш, қон айланиши, овқат ҳазм қилиш, моддалар алмашинуви, ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари органоллари каби мавзуларни тушуниришда замонавий технологик имкониятлардан фойдаланиш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчи-

билиши ва натижаларни таҳлил эта олиши;

- доимо ўз устида ишлаши, мустақил равишда малакасини ошириб бориши лозим.

Биология тирик мавжудотларнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаларини ўрганувчи илмий тадқиқот фани ҳисобланади.

Нафас олиш, қон айланиши, овқат ҳазм қилиш, моддалар алмашинуви, ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари органоллари каби мавзуларни тушуниришда замонавий технологик имкониятлардан фойдаланиш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчи-

лар янги тушунчалар ҳақида назарий билимларгагина эмас, балки бутун жараённи кузатиш орқали амалий кўникмаларга ҳам эга бўлади. Ҳатто биологияга унчалик қизиқмайдиган ўқувчиларда ҳам бу фанга нисбатан мотивация шаклланади. Фақат бўр, қоғоздаги расмлар билан чекланмай, самарали ўқитиш воситалари — мультимедиа дастурлари, видеoproektorлар ва бошқа ахборот технологияларидан фойдаланиб, дарсларни жонли ташкил этиш давр талабидир.

Август кенгашлари ҳар бир ўқитувчи қалбига таълим сифатини янги босқичга кўтариш иштиёқини кучайтиришга хизмат қилиши лозим.

Озода ЎРИНОВА,
Нарпай туманидаги 57-мактаб ўқитувчиси,
«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2012» республика кўрик-танлови ғолиби

Avgust kengashlari oldidan

Davlat va huquq asoslari fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (2—9-sinf)

O'quv fanlari	Sinf									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
	1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Davlat ixtiyoriyidagi soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1 Ona tili/adabiyot	8	7*	9*	9*	8,5*	6,5*	5	5	5	63	2142
2 O'zbek tili/rus tili		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
3 Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4 Tarix					2	2	3	3	3	13	442
5 Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
6 Matematika	5	4,5*	4,5*	4,5*	5	5	5	5	5	43,5	1479
7 Informatika								1	2	3	102
8 Fizika						2	2	2	2	8	272
9 Kimyo							2	2	2	6	204
10 Biologiya					1	2	2	1,5*	2	8,5	289
11 Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	2	1,5*	1,5*	2	12	408
12 Odobnoma	1	1	1	1						4	136
Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
Milliy istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
13 Musiqa madaniyati	1	0,5*	0,5*	0,5*	1	1	1			5,5	187
14 Tasviriy san'at	1	1	1	1	0,5*	0,5*	0,5*			5,5	187
15 Chizmachilik								0,5*	0,5*	1	34
16 Mehnat ta'limi	1	1	1	1	1*	1*	1*	0,5*	0,5*	8	272
17 Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
Maktab ixtiyoriyidagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	1*	4	136
Ixtisoslik fani											
1 Konstitutsiyaviy huquq asoslari		1	1	1	1	1	1			6	
2 Inson huquqi		1	1	1	1	1	1	1	1	8	
3 Davlat va huquq asoslari								2	2	4	
Jami:		2	2	2	2	2	2	3	3	18	612
Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259	8806
Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalar va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoriyidagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat. Ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari hamda davlat va huquq asoslari fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoriyidagi soatlardan:

2-, 3-, 4-sinf uchun ona tili fanidan 1 soat, matematika fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

5-, 6-sinf uchun ona tili fanidan 0,5 soat, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinf uchun geografiya fanidan 0,5 soat, tasviriy san'at fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinf uchun biologiya fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinf uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoriyidan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat va maktab ixtiyoriyidan olingan soatlar davlat va huquq asoslari faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012—2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

Biologiya fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejasi (5—9-sinf)

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidalar va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoriyidagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat. Biologiya fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va biologiya fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat ixtiyoriyidagi soatlardan:

5-sinf uchun mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

6-sinf uchun geografiya fanidan 0,5 soat, musiqa fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

7-sinf uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinf uchun matematika fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinf uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoriyidan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat va maktab ixtiyoriyidan olingan soatlar biologiya faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Biologiya fani ixtisosligiga yo'naltirilgan sinflarda o'quvchilarni ikki guruhga bo'lib o'qitish mumkin. Sinflarning guruhlariga bo'lib o'qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012—2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

O'quv fanlari	Sinf									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
	1	2	3	4	5	6	7	8	9		
Davlat ixtiyoriyidagi soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1 Ona tili/adabiyot	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67	2278
2 O'zbek tili/rus tili		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
3 Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4 Tarix					2	2	3	3	3	13	442
5 Davlat va huquq asoslari								1	1	2	68
6 Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
7 Matematika	5	5	5	5	5	5	4,5*	4,5*	5	44	1496
8 Informatika								1	2	3	102
9 Fizika						2	2	2	2	8	272
10 Kimyo							2	2	2	6	204
11 Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	1,5*	1,5*	1,5*	2	11,5	391
12 Odobnoma	1	1	1	1						4	136
Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
Milliy istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
13 Musiqa madaniyati	1	1	1	1	1	0,5*	1			6,5	221
14 Tasviriy san'at	1	1	1	1	1	1	1			7	238
15 Chizmachilik								0,5*	0,5*	1	34
16 Mehnat ta'limi	1	1	1	1	1*	1*	1*	0,5*	0,5*	8	272
17 Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
Maktab ixtiyoriyidagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	1*	4	136
Ixtisoslik fani											
1 Botanika					2	3,5				5,5	
2 Zoologiya							3,5			3,5	
3 Odam va uning salomatligi								3		3	
4 Biologiya									3	3	
5 Amaliyot						0,5	0,5	1	1	3	
Jami:					2	4	4	4	4	18	612
Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259	8806
Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(Салкам қирқ йилдан буён кекса кутубхоначи Кўчаров бобо дағдаға билан бир гапни такрорлагани такрорлаган: “Бобурнома”ни келтириб жойига қўй!. “Бобурнома”ни қачон қайтариб берасан?!.”. “Бобурнома”ни об келиб бер!.

Орадан салкам қирқ йил ўтибди. Йилларнинг юки билан елкамдан тоғдай босиб келган залворли қарзни қайтариш вақти келди...)

Менинг ушбу мактабни битириб кетганимга роппа-роса ўттиз саккиз йил бўлибди. Ёшим ўн олтида — ҳаёт ҳам, борлиқ олам ҳам ўн олти ёшда эди.

Қалбимда олам-олам сурур ва орзуларим, жозиб, бетакрор бир даврим, бегам-беармон палларимни шу даргоҳда қолдириб кетаётганимни ҳис этганман ўшанда.

Сурхон воҳаси, Сариосиё туманидаги 45-урта мактаб. Яъни менинг мактабим, сизнинг мактабингиз.

Бу табаррук маъвудан ям-яшил дашт, тошқин бир дарё мисол чиқиб кетгандим. Ҳозир қаршингизда ўша даштнинг бир саргашта элчиси, у дарёдан бир ҳорғин эсдалик, соғинчу фироқнинг паршон дафтари бўлиб турибман гўё.

Эккан экиним, ўрган бугдо-йимдан кўнглим сал-пал тўлгандек. Йиллар бўйи олган ҳосилим — сомоним ҳам, дон-дуним ҳам мактанса бўладигандай.

Азиз ука-сингилларим, қадрли ўқувчилар,

Шоирона ташбехларим учун мени маъзур тутгайсиз, албатта. Устозимиз: “Мен фахр этсам — умримнинг ҳар они сабаб бўлгай” деганларидай, мен ўзим таълим олган мана шу қадрдон мактабим, тарбия берган азиз мураббийларим, бунда кечган ўқувчилик йилларим билан ҳар қанча ифтихор этсам, умрим борица миннатдор бўлсам ҳам камлик қилади. Бу кутлуг даргоҳнинг деворлари гардини, остонаси ғуборини бир умр кўзларимга суртиб ўтсам арзийди.

Биз мактабни битирганимизда мутлақо бошқа бир тузум, бошқа давр ҳукмрон эди. Мен шу тупроқнинг фарзандию бошқа замоннинг ўғли эдим. Сози, овозим ўзимники эдию, куй-ашу-ламни бошқалар айтарди. Минорларим маҳзун, азим-азим чинорларим сарнигун эди.

Мана энди, бутунлай янги замон фарзандлари — озоод Ўзбекистоннинг сиз азиз ўғил-қизлари ҳузурда сўз тополмай, ҳайрат ва ҳаяжонда лол турибман. Одатда кичик ирмоқлар, жилғалар-сойлар катта дарёларга қўшилидилар. Мен ўзимни анча манзилу маконларни кўриб, йўлларда обдон уриниб-суринган, сиздан тажрибалироқ бир дарё деб билсам агар, аксинча, шу лаҳзаларда сиз тиник, шарқироқ жилғаларга астойдил қўшилиб кетгим келяпти.

Она ва Ватан деган улугвор сўзларни биз том маънода шу табаррук даргоҳда ўргандик. Бу муқаддас тушунчалар камтарин, хоксор устозларимиз қўлидаги оқ бўрқаламлар билан қалбимиз лавҳига ўчмас бўлиб ёзилдилар. Зулмату залолат, қаролик билан жаҳолат беҳад бисёр бу дунёда китоб ва билим, зиёё ёруғлик нақадар зарурлигини муаллим-

рида шеърятнинг асл жаҳоирлари, ёмби олтинларидан мени воқиф этди. Дарду изтиробларга тўла “Шум бола” билан бир умрлик ака-ука тутиндик. Гоҳ Бунёд, гоҳ Муқбил тошотар бўлиб, гоҳ жангчи Турсун, гоҳида Муқанна бўлиб устоз Ҳамид Олимжондан шеърый сабоқлар олдим. Устоз билан “Водийларни яёв кезиб”, Ўзбекистон, Ватан янглиг табаррук сўзларнинг маънисини дил-дилдан идрок этгандай бўлдим.

Саккизинчи, ўнинчи синфларда ўқиб юрган кезларим янги шеърый оҳангларнинг ажиб ҳаяжонлари бошланди. “Ўзбекистон” қасидаси, “Онаҳон”, “Биринчи муҳаббатим”, “Ўзбеким”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, “Ёшлигим” ва “Камтарлик” сингари шеърлар билан танишув савгавуриمنى ўзгартириб юбор-

Сирождидин Сайиди, Ўзбекистон халқ шоири

“БОБУРНОМА”НИНГ ҚАЙТИШИ

ЁХУД БИР КИТОБНИНГ УЗИЛМАС ҚАРЗИ

(ЎЗИМ ЎҚИГАН МАКТАБДА ДАРСДАН ТАШҚАРИ ЎТИЛГАН ДАРС)

ди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов китобларини астойдил излай бошладим. Бу беназир муаллимларнинг асарлари, улардан олганим олам-олам завқу шавқ, сеҳр ва ҳаяжонлар ке-йинчалик менинг бир умрлик қисматимни белгилаб берди десам асло хато қилмайман.

Отам ёқиб берган фонус ёруғида мўъжазгина хужра-дарсон-намда китоб варақлаб, жаҳон ичра жаҳон адабиёти отлиғ яна бир буюк олам мавжудлигини шу мактабда, азиз муаллимларим боис билдим. Унинг хофиз Ше-

розий, Абдурахмон Жомий, Александр Пушкин, Виктор Гюго, Махтумқули, Лев Толстой, Маяковский, Есенин, Садриддин Айний, Абай ва Айтматов сингари муҳташам кўрғонлари дарчасидан мўралашга ботинолдим. Ўн тўрт-ўн беш ёшимдаёқ торғина хужрам билан бу муҳташам кўрғонлар орасида халқаро адабий алоқалар, маънавий муносабатлар ўрнатганимдан ўзим мамнун эдим. Футболни, ям-яшил стадионда тўп тепписини жуда яхши кўрардим. Бироқ келажак тақдирим тикилган копток билан китоб мусобақасида китоб охири енгиб чиқди. Уйинга бўлган иштиёқим бора-бора мутлолаага меҳрга айланди. Менга китоб ўқитолмай хуноб бўлиб юрган онам, кун келиб телбаларча мутлоаларимдан хавотирга туша бошладим. Охири, бир тун кечаси алламаҳалда хонамга кириб қўлимдан киротбимни тортиб олиб қўйди: “Бунча ўқимагин, кўзларинг кўр бўлиб қолади!”.

“Ким сизда биринчи бўлиб китобга меҳр уйғотган?” деб сўрашингиз мумкин. Албатта, биринчи навбатда отамни айтган бўлардим. Биз ҳали мактабга



тобга, илм олишга меҳр туйғусини жон-жонимизга сингдиришда қанчалар ранжу захмат чекканларини кейинроқ англаб етганмиз.

Дийдор ва айрилиқлардан иборат умр йўлларида дўсту ёрлар ташлаб кетиши, энг яқин жўраларингиз ғирромлик қилиши мумкин. Ҳаётда синовларга, улимимизнинг дарсда келтирган мазкур мисоли, айтишим мумкинки, менинг ҳали шакланмаган ёш онгим ва тафаккуримда туб бурилиш ясаган. Мен ҳам дарров мук тушиб олиб “Манتيқ ут-тайр”нинг мутлоасига киришдим демокчи эмасман. Бироқ, ҳар ҳолда, ушбу сабоқдан дунёқарошим, ўй-кечинмаларимда анча-мунча серғакла-ниш бошлангани, ўзимнинг ол-тимда ўзимни айбдордек сезаётганимни ҳис эта бошлаганман.

Ўша ҳолатлардан сўнг, мак-

га, инсоний шаънингизга хиёнат қилиш ила баробардир.

Улуғ шоирлардан бири: “Дунёда китобларни йиртиш, ёқиб юборишдан ҳам оғирроқ жиноятлар бор. Бу жиноятлар ичида энг оғирроғи — китоб ўқимас-ликдир” деган экан. Ҳаётда бир янги кўйлак ёки пўрим шимни камроқ кийиш, бир ҳою-ҳашамдан қолиш мумкиндир. Бироқ бир ўқилмаган яхши китобни мутлолаа қилишингиз ўзгача гашту нашидаси бор.

Адабиёт-дарсариюдан сизга яхши маълумки, Алишер Навоий бобомиз бола чоғларидаёқ, тўрт ё беш ёшида жаҳон адабиётининг энг мураккаб, қийин китобларидан бўлмиш ҳазрат Фариуддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” асарини астойдил мутлолаа қилишга киришгани — ул зотнинг ота-онасини чинаками-

Shu lahzalarda sizning kitob o'qishingizni so'rab, kitob bilan do'sti qadrdon bo'lib yurmog'ingiz uchun poyingizga tiz cho'kishga, oyog'ingizga bosh qo'yib yolborishga ham tayyorman.

табимиз кутубхонаси сеvimли масканим, деярли ҳар куни қатнайдиган қадрдон дарсхонамга айланди. Кекса кутубхоначи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Кўчаров бобо, ўзлари бўлмаганда у кишининг нозик-кина мовий кўз қизлари Муҳаббатхоннинг қўлларидан олиб ўқиган китобларни, уларнинг хайрихоҳлиғи муомалалари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Ҳозир ҳам ҳар гал “Бобурнома”-ни очганимда саҳифалар орасидан ҳазрати Бобурнинг саркардасидай орден-нишонларини шарақлатиб, қўлтиқтаёқларини тарақ-туруқ эткизиб Кўчаров бобо чиқиб келаётгандек, варақлардан ул азиз инсоннинг иссиқ нафаслари бетларимга урилаётгандек туюлади.

Шу мактабда олган билимларим, устозларимнинг меҳнати

ганингдан кейин гаплашамиз” дея гўдраниб қўйди.

Орадан салкам қирқ йил вақт ўтибди. Йиллар, давру замонлар қаъридан то ҳануз эланганмамо бир сўроқ келади: “Бобурнома”-ни қачон қайтариб берасан?!.”. Мен бу савол олдида қирқ йилдан буён хижолатдаман. Ўқиб қайтариб бераман деб олганим “Бобурнома”ни Кўчаров бобо ялиниб-ёлбориб ҳам, отам орқали, отамга айтириб ҳам менадан қайтиб ололмади. Қанча сувлар оқиб ўтди, не-не таълимотлару тузумлар, не-не ёлгон китоблар заволга юз тутди. Кўчаров бобо ҳам, отам ҳам энди йўқ. Навқирон йигитлиги қирғинбарот урушининг ўт-оловлари ичра кечган, жисмини, умрини қаттол уруш илма-тешиқ қилган бу азиз инсонларнинг сиймоси, номи-хотираси олдида кўзда ёш би-

кат, гурур ва ифтихор сингари юксак инсоний туйғулاردан сабоқ берадилар. Она Ватанга муносиб ва сadoqatли фарзанд бўлишдек шарафни оқлаш йўли-даги баланд парвозларингизга қанот бўлажаклар.

Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг “Темури тузуқлари” энг янги нашридан тортиб, Мир Алишер Навоий ҳазратларининг девонлари, “Хамса” дostonларининг насрий баёни, мумтоз адабиётимизнинг машҳур намояндalari, жаҳон адабиёти, ҳозирги замон ўзбек адабиётининг йирик вакиллари, шунингдек, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон Қўлпон, Усмон Носир, Абдурауф Фитрат сингари ис-ган, жисмини, умрини қаттол уруш илма-тешиқ қилган бу азиз инсонларнинг сиймоси, номи-хотираси олдида кўзда ёш би-

кат, гурур ва ифтихор сингари юксак инсоний туйғулاردан сабоқ берадилар. Она Ватанга муносиб ва сadoqatли фарзанд бўлишдек шарафни оқлаш йўли-даги баланд парвозларингизга қанот бўлажаклар.

Сиз “Алломиш”дай буюк дostonлару алп полвонларни берган танти элнинг, Термизий боболардек алломаларни дунёга келтирган пурҳикмат тупроқнинг фарзандларисиз. Шу сабабли, “Алломиш”ни деярли ёд билишингиз, аждодларга хос шижоат, ҳикмат ва фазилатлар ҳамиша қалбингизда яшамоғи зарур. “Бобурнома”нинг яқиндагина чоп этилган янги тўлдирилган нaшри, “Ғарибнинг Андижоний-дур”, “Маҳрами асрор топма-ди” шеърый тўпламлари Заҳри-ридин Муҳаммад Бобур бобон-гиздан сизга яхши совға бўлади деб ўйлайман.

Ҳазрати Бобурга бағишланган машҳур муаррих Хондаминнинг “Буюклик хислати”, Вильям Рашбрукнинг “Ўн олтинчи аср бунёд-кори” китоблари, австриялик адиб Фриц Вюртленнинг “Анди-жон шахзодаси” қиссаси, шу-нингдек, инглиз адибаси Румер Годен хонимнинг “Гулбадан” асарларини алоҳида эътибор билан қабул қилгайсиз.

Сизларга аталган бундаги ҳар бир китоб ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Устозларимиз “ҳар бир китоб — бир офтоб” дея таърифлагандай, шу куёшининг бор қудрати билан зиёсини онг ва қалбингизга жойлаштириб олмоқ учун сизга вақт ҳам, им-кон ҳам берилган. “Билаги кучли — бирни, билими кучли мин-ни энгади” деб айтганда Амир Темури ҳазратлари, “Не мулк ичраки бир фармон йибордим, Анинг забтига бир девон йибор-дим” деганларидеда Навоий бобо-миз келажак невараларини, яъни биз билан сизни ҳам на-зарда тутганлари шак-шубҳасиз. Улуғ аждодларимиз Ер юзига ҳадис ва ҳикмат экиб, илму маърифатлари билан ҳам бутун оламни фатҳ этганлар. Демак, шунга яраша кўрқмасдан мар-рани баланд олишингиз, шунга лойиқ сиздан қатъият ва дадил-лик, дахлдорлик ва огоҳлик та-лаб этилади.

Эътибор берсангиз, ҳазрат Навоийнинг шеър ва дostonла-рида “шоҳлик” ва “огоҳлик” де-ган сўзлар муттасил ёндош ва ёнма-ён келади. “Шоҳлик” нима? Ўз тақдирингиз ва бах-тингизга том маънода эғалик қилишингиз, инсон деган олий

мақомингиз учун эмин-эркин яшамоғингиздир.

“Огоҳлик”ни “шоҳлик”дан айро ҳолда тасаввур қилиш мум-кин эмас. Бу биргина “посбон бўлиш” деган маънони билдир-майди. Қўлами ҳам, залвори ҳам кенг “огоҳлик” тушунчаси илму маърифатдан, тирикликнинг мазмун ва моҳияти, муроду мақ-саддан хабардорлик, инсоний маъқеингиз, фазлу камолингиз ҳақида муттасил ўйлаш, давру дунё ҳолатларига бефарқ бўлмай, ҳушёр ва серғаклик би-лан ўзингизни мунтазам тар-биялаб боришингизни англата-ди. Бас шундай экан, бу беҳа-ловат ва риёзатли йўлда китоб ва билимгина сизга яқин мадад-кор, сadoqatли сафардош бўла олади.

“Бобурнома”ни ўқир экансиз, ўн икки ёшидан бошлаб бутун умри от ёлида кечган ҳазрати Бобурнинг кураш ва зиддиятлар аро матонат ва жасоратларга тўлуғ суронли ҳаёти давомида бир зум бўлса-да, китобдан, қорғоз ва қаламдан айро тушма-ганига гувоҳ бўласиз. Тожмаҳал-дан ҳам муҳташамроқ “Бобур-нома” кўрғони сиз азиз бобу-рийзодалар учун буюк ибрат мактабидир. Аслида сизнинг ҳар бирингиз ота-онангиз, элу юр-тингиз учун бир кўрғондайсиз. Кўрғон дегани ҳар жиҳатдан пишиқ, мустаҳкам, таҳдид ва ху-ружларга бас келадиган дара-жада устувор бўлмоғи лозим.

Дунёда неча замонлардан буён тупроғига бир бугдой до-наси тушмаган юртлар, бир та-йинли бино қурилмаган хароб ва ночор ўлкалар бор. Қорин-курсоғ таъвишида “адабиёт”, “китоб” деган ўлмас сўзларни тамомила унутиб юборган бутун бошли эллар-элатлар рўшнолик кўрмай яшапти.

Сизнинг оқ қасрлардай озо-да мактабларингиз билан кўркам қадду бастингизга ҳаваслари ке-либ, тонг олдузидайда қаҳқоқ кўзларингиз, оқ ёқаларингизу тоза-сарийшта синфхоналарин-гизга боқиб Навоий бобонинг ўзлари ҳар бирингизга биттадан “Хамса” совға қилишлари тур-ган гап эди. Сизлар боис, ул табаррук зотнинг сизга аталган муборак каломларини назмий йўсинда ифода этмоққа журъат қилдим:

Қилур то давру даврон
Сизни эъзоз — сарафроз.
Саодат бирла бўлгайсиз
Валекин ўз-ўзидин келмагай Бакт,
Билим олингу илм излангиз
Жаҳонни қутқарувчи бир ҳар вақт.
Жаҳолат енгилур то маърифат бор.
Умидим шул эди ҳар лаҳза, доим,
Умидингизга етказишим Худойим.
Жаҳонга шоҳсиз — огоҳ сизсиз,
Агар огоҳ сизсиз — шоҳ сизсиз.
Баланд ору баланд ному баланд шон
Билан юксак бўлиб ҳар лаҳза, ҳар он,
Яшарсиз токи бу кавну маконда —
Бирор куч Сизни енголмас жаҳонда!

Kimyo fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejası (7—9-sinf)

	O'quv fanlari	Sinflar									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
		1	2	3	4	5	6	7	8	9		
	Davlat ixtiyoridagi soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1	Ona tili/adabiyot	8	8	10	10	9	7	4,5*	4,5*	5	66	2244
2	O'zbek tili/rus tili		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
3	Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4	Tarix					2	2	3	3	3	13	442
5	Davlat va huquq asoslari								1	1	2	68
6	Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
7	Matematika	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45	1530
8	Informatika								1	2	3	102
9	Fizika						2	2	2	2	8	272
10	Biologiya					1	2	2	2	2	9	306
11	Tabiiyot va geografiya	1	1	1	1	1	2	1,5*	1,5*	2	12	408
	Odobnoma	1	1	1	1						4	136
12	Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
	Milliy istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
13	Musiqi madaniyati	1	1	1	1	1	1	1			7	238
14	Tasviriy san'at	1	1	1	1	1	1	1			7	238
15	Chizmachilik								0,5*	0,5*	1	34
16	Mehnat ta'limi	1	1	1	1	2	2	1*	0,5*	0,5*	10	340
17	Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
	Maktab ixtiyoridagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	1*	4	136
Ixtisoslik fani												
1	Kimyo							3	3	3	9	
2	Amaliy mashg'ulot							1	1	1	3	
	Jami							4	4	4	12	408
	Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259	8806
	Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risidagi» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidallari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat. Kimyo fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va kimyo fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlar:

7-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 1 soat, olindi;

8-sinflar uchun ona tili fanidan 0,5 soat, geografiya fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun chizmachilik fanidan 0,5 soat, mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat va maktab ixtiyoridan olingan soatlar kimyo fani ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Kimyo fani ixtisosligiga yo'naltirilgan sinflarda o'quvchilarni ikki guruhga bo'lib o'qitish mumkin. Sinflarning guruhlariga bo'lib o'qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012—2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

Geografiya fani chuqurlashtirib o'qitiladigan ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalarining tayanch o'quv rejası (5—9-sinf)

Tushuntirish xati

Ushbu o'quv reja O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risidagi» qonuni, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» talablarini va Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi «O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida»gi 203-sonli, 1999-yil 16-avgustdagi «Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 390-sonli, 2003-yil 29-oktabrdagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limiga izchil o'tishni ta'minlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida»gi 473-sonli, 2004-yil 24-iyundagi «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 293-sonli, 2004-yil 9-iyuldagi «2004—2009-yillarda Maktab ta'limini rivojlantirish davlat umummilliy dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 321-sonli, 2008-yil 7-avgustdagi «Ayrim fanlar chuqurlashtirib o'qitiladigan davlat ixtisoslashtirilgan umumta'lim muassasalari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida»gi 173-sonli qarorlari hamda Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan tasdiqlangan «Sanitariya qoidallari va me'yori» asosida tuzilgan.

Maktabning o'quv reja bilan bog'liq (maktab ixtiyoridagi soatlarni maktab o'quv rejasiga kiritish va h.k.) faoliyati XTVning amaldagi me'yoriy hujjatlari bilan amalga oshiriladi.

O'quv reja tarkibidan davlat va maktab komponentlaridan iborat.

Geografiya fanining nazariy asoslarini chuqur o'rganish va amalda qo'llay olishni o'rgatish maqsadida, ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim muassasalari va geografiya fani chuqur o'qitiladigan sinflar uchun mazkur o'quv rejada davlat va maktab ixtiyoridagi soatlardan:

5-, 6-, 7-sinflar uchun mehnat ta'limi fanidan 1 soat olindi;

8-sinflar uchun mehnat ta'limi fanidan 0,5 soat, chizmachilik fanidan 0,5 soat olindi;

9-sinflar uchun maktab ixtiyoridan 1 soat olindi.

Mazkur sinflarda davlat va maktab ixtiyoridan olingan soatlar geografiya faniga ixtisoslashtirilgan maktablar va chuqurlashtirib o'qitiladigan sinflar uchun qo'shib berildi.

Geografiya fani ixtisosligiga yo'naltirilgan sinflarda o'quvchilarni ikki guruhga bo'lib o'qitish mumkin. Sinflarning guruhlariga bo'lib o'qitilishi mahalliy moliya organlari bilan kelishilgan holda amalga oshiriladi.

Ushbu o'quv reja Xalq ta'limi vazirligining 2012-yil 16-maydagi «Umumiy o'rta ta'lim maktablari uchun 2012—2013-o'quv yiliga mo'ljallangan tayanch o'quv rejasini tasdiqlash to'g'risida»gi 160-sonli buyrug'i asosida qayta takomillashtirildi.

Izoh: jadvaldagi * belgisi chuqurlashtirilgan fanlarga qo'shib berish hisobiga qisqartirilgan soatlarni bildiradi.

	O'quv fanlari	Sinflar									Haftalik umumiy soat	Jami yillik soatlar
		1	2	3	4	5	6	7	8	9		
	Davlat ixtiyoridagi soatlar	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8636
1	Ona tili/adabiyot	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67	2278
2	O'zbek tili/rus tili		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
3	Xorijiy til					3	3	3	3	3	15	510
4	Tarix					2	2	3	3	3	13	442
5	Davlat va huquq asoslari								1	1	2	68
6	Iqtisodiy bilim asoslari								1	1	2	68
7	Matematika	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45	1530
8	Informatika								1	2	3	102
9	Fizika						2	2	2	2	8	272
10	Kimyo							2	2	2	6	204
11	Biologiya					1	2	2	2	2	9	306
12	Tabiat	1	1	1	1						4	136
	Odobnoma	1	1	1	1						4	136
13	Vatan tuyg'usi					1	1				2	68
	Milliy istiqlol g'oyasi							1	1	1	3	102
14	Musiqi madaniyati	1	1	1	1	1	1	1			7	238
15	Tasviriy san'at	1	1	1	1	1	1	1			7	238
16	Chizmachilik								0,5*	1	1,5	51
17	Mehnat ta'limi	1	1	1	1	1*	1*	1*	0,5*	1	8,5	289
18	Jismoniy tarbiya	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	612
	Maktab ixtiyoridagi soatlar	0,5				0,5	0,5	1	0,5	1*	4	136
Ixtisoslik fani												
1	Tabiiy geografiya boshlang'ich kursi					1,5						
2	Materik va okeanlar tabiiy geografiyasi						2,5					
3	O'rta Osiyo va O'zbekiston tabiiy geografiyasi							2,5				
4	O'zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi								2,5			
5	Jahon iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi									2,5		
6	Amaliy mashg'ulot					0,5	0,5	0,5	0,5	0,5		
	Jami					2	3	3	3	3	14	476
	Umumiy soatlar	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259	8806
	Amaliy mashg'ulot (kun hisobida)					6	6	10	16			

Дунёда мўъжизалар шунчалик кўпки, улар бизни ҳамиша ҳайратга солиб келади. Мўъжизалар ичра энг ажиби шу ёруғ оламда яшамоқ бахтидир. Яшаш ҳуқуқи ҳар биримиз учун фақат бир бора берилади, демак, ҳамма ҳам бахтли яшашга ҳақли.

ПУЛГА ЭМАС, ЙЎЛГА ҚАРАНГ

Автобус бекати. Кимдир ишга, кимдир ўқишга ошмади. Бир пайт серкатнов йўлда машина ва йўловчилар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришига қарамай, яшин тезлигида ёнгинамдан ўтиб кетган автомашинани кўриб, капалагим учиб кетди.

Ҳозирги кунда кўча-кўйда нима кўп, ҳайдовчилик орқасидан нон топадиганлар кўп. Албатта, тирикчиликнинг айби йўқ. Топилган пул ҳалол бўлса, бас. Аммо айрим ҳайдовчилар машина бошқарётганида кўзига на шофтор, на бирор йўл ҳаракати белгиси кўринади. Уларнинг ҳаёлини эгаллаган фикр — тезроқ йўловчини ўз манзилига етказиб, пулини олсаю, яна бошқасининг хизматида шошилса. Ҳамма нарса ўз меъёрида бўлгани яхши, пул ҳам, машинанинг тезлиги ҳам. Бир хил йўловчи машиналар худди самолёт каби учад.

Шошилиш хизмат сафари, бунинг устига, вақтим зикрлиги туфайли Жиззах—Тошкент йўналиши бўйича «Нексия»лардан бирига жойлашдим. Машина йўловчилар билан тўлди. Ҳайдовчи олдидан пулини тўлаб, йўлга тушди.

Август ойи. Ҳаво дим. Орқа ўриндиқда, ўтирганман. Машина ойнаси озгина очик. Ҳайдовчи мусиқани баланд қўйганча, машинани учуриб ҳайдаб кетаяпти.

Бир пасда уйку элтиб, ухлаб қолибман. Қисқагина туш ҳам кўрибман. Гўё мени

беморлар аравачасига солиб, қаергадир олиб кетишгаётганмиш... Кўрқиб уйғониб кетдим. Бу пайтда биз катта тезлик билан Гулистон йўлида кетаётган эканмиз.

Кейинги воқеалар жуда тез содир бўлди. Мен ҳайдовчига «Секинроқ ҳайданг», дейишга ҳам улгурмадим. Эсимда қолгани — ҳайдовчининг жон ҳолатда рулга ёпишгани-ю, ўнг томондан чиқаётган «КамАЗ» ғўшаш машина бўлди...

Ҳушимга келганимда Сирдарё вилоятидаги тез тиббий ёрдам шифохонасининг жонлангириш бўлимида ётган эканман. Кейин билсам, биз чиққан «Нексия» автохалокатга учрабди.

Анчагина азоб чекишимга тўғри келди. Ҳайдовчига эса, бир ёғи ўзбекчилик, бир ёғи пешонамизда бор экан, дея даъво қилмадик. Майли — булар ўз йўлига. Умримиз бор экан, омон қолдик. Лекин бунинг акси бўлиши ҳам мумкин эди-ку!

Азиз ҳайдовчилар бир марта бориб келадиган манзилига икки марта бориб келишга уринмасин, дейман. Кексаларимиз «Ҳайдовчиларнинг ризки йўлда», дейишади. Шунинг учун кўпроқ пулга эмас, йўлга қаранг, дегим келади. Улар ўз машинасида кўгирчоқ эмас, тирик инсонни олиб кетаётганини унутимасин. Ана шунда бахтсиз ҳодисалар камроқ бўлиб, «Йўл қондаси — умр фойдаси» деган иборалар ҳақиқий шиорга айланади.



ОТА ИБРАТИ — ҲАЁТ ҲИКМАТИ

Ишдан қайтаётиб, бозордан олма сотиб олдим. Уйку олдидан ейилган бир дон олма асабларни тинчлантиради, деган маслаҳатни қайсидир газетда ўқигандим. Аммо уйга келиб, иштаҳам бўғилди. Оббо, тадбиркори тушмағур-эй, кўзимни шамфалат қилиб, 3-4 донча чирий бошлаган олмаларни ҳам солиб юборибди. Ҳарна, тош босади, деган-да...

Айнан ана шу чирий бошлаган олмаларни ювиб, «дадон» соғли кичкина пичоқча билан чириган жойини олиб ташлаб, секин арчий бошладим. Олмани озроқ арчий-арчимас таққа тўхта-

дим. «Тавба, нима қиялпман, ўзи?» деган фикр ҳаёлимдан ўтди. «Пул жигардан бўлади», деганлари рост экан-да! Бўлмаса, камина яхши олмалар турганда, чириган олмаларни еримдим.

... Ҳа, болалик — подшолик, деб тўғри айтишган экан. Биз — подшо, ота-онамиз — вазир бўлган дамлар эди. Отам ёдимга тушди. Биз фарзандлар мева-чева-

нини еб ўтирибди», дердим ҳайратланиб. Отам тарвуз олиб келиб қолса борми, ҳар биримиз биттадан сўйиб, «коса» қилиб емасак, кўнглимиз жойига тушмас, гўё кесилгани тешиб чиқади-дег эди. Отам эса биз чала-чулла қилиб ташлаб кетган тарвузларни тозалаб ер, «Шуни еманг, ота», десак, «Савоби охирида бўлади, болаларим», дерди.

Ўйлаб қарасам, у пайтлар увол-савобни билмаган эканмиз. Ҳозирги ақлим ўшанда бўлганида борми...

Халқимизда «Бели орги-маганнинг нон ёйишини кўр», деган ибратли нақл бор. Демак, отам пешона тери эвазига етиштирилган неъматнинг увол бўлишини хошламаган. Балки, «Енглари, ичинглари, аммо исроф қилманглари», деган маънодаги оятга амал қилиб, бизга ўрнак бўлгандир. Отам бу одатини ҳали ҳам ташламаган.

Ҳозирги аҳволимни таҳлил қиладиган бўлсам, натижа аён: бу олмалар чириган бўлса ҳам, ҳалол меҳнатим меvasи, пешона терим орқали топилган пулга келган. Демак, ота ибрати — умр ҳикмати, деганлари шу экан-да...

МЕЪЁР — УМР ГАРОВИ

Остона ҳатлаб кўчага чиқсак, турфа қиёфаларни учратамиз. Уларнинг ҳеч бири бошқасини такрорламайди. Аммо қизиги шундаки, ўртада қанчалик тафовут бўлмасин, биз яхши инсонларни дарров таниб оламиз.

Серкатнов йўлдан ўтиб олиш учун фурсат пойлаётганим, ёнимга нуруний онахон келди-да, мени саволга тутди:

— Қизим, бўйингизга осиб олган мана бу ғилофда телефонингиз борми?

Кутилмаган саволдан бироз ўнгайсизланган бўлсам-да, тезда ўзимни қўлга олиб жавоб бердим:

— Ҳа, холажон, телефоним бор.
— Бундан кейин телефонни бўйингизга осиб олманг.

Энди ҳайратлана бошладим:

— Нега энди?

— Билмасангиз, айтий, қизим. Замонавий аппаратларнинг зарари борлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Бу ўлғуннинг турган-битгани ўй-ку. Аёллар орасида қўқрак саратони хасталигининг кўпайиб кетишида шу матоҳнинг яхшигина ҳиссаси бор экан.

Бу гапни эшитиб, Худо асрасин, дедим-ю, бўйнимдаги телефонни ғилофи билан олиб, сумкамга солдим. Кейин эса биринчи бор учрашиб турган бўлишимга қарамасдан, менга яхшилик истоган бу онахон

қўзимга фариштадек кўриниб, «Қиёмат фақат ёмон одамлар қолгандагина содир бўлади», деган ҳадис ёдимга тушди.

Мен йўлнинг бу тарафига ўтиб олдим. Онахон эса марказий дўконга кириб кетди. Беихтиёр ич-ичимда «Нега улар билан узоқроқ гаплашмадим-а, балки бошқа ибратли сўзлари ҳам бордир», деган фикрлар тугён ура бошлади. Шартта ортга қайтдим. Хайрият, онахон аёлни топдим...

— Холажон, боғи яхшилигиниз учун яна бир бора раҳмат. Келинг, шошилмаётган бўлсангиз, яна бироз суҳбатлашайлик.

— Вой, она қизим, агар шунинг учун қайтиб келган бўлсангиз, бажонидил. Нима гапингиз бор эди?

— Шу, ҳозиргина менга билдирган маслаҳатларингизга доир...

— Биласизми, қизжоним? Бугун нафақат ёшлар, балки биз қариялар ҳам оламшумул техника тараққиётдан баҳраманд бўлиб яшаймиз. Бу, албатта, яхши. Чунки ҳар бир янгилик инсоннинг узогини яқин, оғирини енгил қилиш учун яратилади. Қўл телефонлари ҳам. Аммо, минг афсуски, кўпчилик одамлар «Шакарнинг ҳам ози ширин» деган нақлни унутиб қўйишяпти.

Юрган йўлимда одамларни кузатаман. Бир кун 5-6 яшар болақайнинг бувиси билан телефондаги мулоқотига гувоҳ бўлдим. Бувиси телефон орқали неварасидан ҳолаҳвол сўраётганди. Нима қилибди, дерсиз? Албатта, бу бир қарашда аҳамият беришга арзимайдиган ҳолатдек туюлиши мумкин. Аммо эндигина ўсиб келаётган гўдак организмни жароҳатлаш эмасми бу?

Опамнинг 36 яшар ўғли яқинда вафот этди. Бечора ўн йилдан бери туғу кун, компьютерлар орасида ишларди. Энг ёмони, ишдагиси етмагандек, уйга келиб ҳам компьютерга «ёпишарди». Ҳаёти ҳам, мамоти ҳам шу бўлди. Жиянимга компьютердан меъёридан ошқича фойдаланмаслик ҳақида ҳеч қим айтмагандир, балки... Шу боис, ёш болаларнинг қўлига ҳозирдан телефон ушла-тиб қўйган ота-оналарни кўрсам, «ёниб» кетаман.

Ўзидан кўра ўзгаларни кўпроқ ўйлайдиган бу онахон билан учрашимни шунчаки тасодиф эмасди, назаримда... Агар уларнинг маслаҳатларига амал қилсак, ҳар биримиз учун фойдали бўлиши шубҳасиз. Зеро, меъёр — умр гаровидир.

Назира БОЙМУРОВА



«ҚҲЯВЕРИНГ, АЙТАВЕРСИН»

Ҳаво совуқ. Интизорлик билан кутаётган автобусимдан эса дарак йўқ. Шундай ҳавода йўлга чиқганим учун ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Охири, тоқатим тоқ бўлиб, енгил машинага қўл кўтардим. Автомобилнинг орқа ўриндиғига жойлашиб, ўзимга келдим.

Магнитофондан панд-насиҳатлар эшитилиб турарди. Ўриндиққа яхшироқ ўрнашиб олдим. Ҳайдовчи хатти-ҳаракатларини кузатиб турган, шеклли, менга ёқмади деб ўйлаб, дарров дискни алмаштироқчи бўлди. Мен эса худди ёш боладек шошганча: «Қўяверинг, ака, менга маъқул», деб юборганимни билмай қолдим.

Ҳайдовчи машинанинг олд ойнасидан бир лаҳза тикилганча, дискни қайтадан қўйди. Унинг кўзларида ҳайронлик билан бирга севинч аломатлари ҳам сезилиб турарди. Маъруза ниҳоясига етганига, ҳайдовчи бошқа дискни қўйди. Буни

қарангки, энди ҳофизнинг эларо машҳур қўшиғи янграй бошлади:

Қўрдим юзингни, девона бўлдим,
Ақлу-хушимдан бегона бўлдим...

Бетакорро қўшиқ сармаст қилиб қўйди. Қанийди, қўшиқ тугамаса. Машинага чиққунча мени домга тортган тушқун кайфиятдан асар ҳам қолмаган эди. Биргина қўшиқ ҳамда кўнглига яқин панд-насиҳатлар мени ўзга бир оламга етаклаганди. Манзилга етиб келгач, қира ҳақини тўладим-да, ҳайдовчига миннатдорлик билдирдим.

Айрим жамоат транспортларида:

Ман, ман, ман чекаман, ман,
Чак бос, маники устоз ва ҳоказо...

деган бемаза «қўшиқ»лар таралиб туради. Бундай қўшиқлар ўрнига панд-насиҳат, маънили куй-қўшиқлар эшитилса, фойдадан холи бўлмасди.

Кўл телефоннинг бори қандай яхши: танишингизни соатлаб қидириб юрмасдан, рақамларини терасизда, тез етиб кел, деб «дўк» қиласиз; масалан, мен, ота-онамни соғинсам-да, ҳар кун минг километрлаб йўл боса олмаيمان. Шунда шартта «кўл телефон»имни ишга соламан. Эҳ-ҳе, унинг қулайликларини санганимча, ручкамнинг сиёҳи тугаб қолса керак-ов. Эрталаб уйғотади, дўстимнинг тугилган кунини эсимга солади, математик амалларда ёрдамчим, зерикарли табдилларда овунчим, ундан фойдаланиб расмга тушаман, видеога оламан, интернет хизматлари... Қаранг-а, санашга, бармоқларим ҳам камлик қилмоқда.

Ҳозир кимни қараманг, ё кўлида, ё қўлида ёки чўнтагида телефон. Ўша жажжи матоҳ оиламиз аъзосидек қадрдон, кези келганда, узис тоқмоқимиздан таом ҳам ўтмайди. Аминманки, ҳозир шу мақолани ўқиб ҳам «сотка»-нгиздан бир хабар олиб қўяпсиз.

Биламизки, бугун республикамизда асосий уч уяли алоқа компанияси ўша қўтичани «жонлантириб», узогимизни яқин, оғиримизни енгил қилмоқда. Барака топишсин. Улар ўртасидаги рақобат биз — абонентлар учун кўп қулайликлар, янгиларни тақдим этмоқда. Алоқа операторлари — компаниялар ҳар бир абоненти билан илқ муносабат ўрнатиш йўлида ҳар кун янги-янги лойиҳа, янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Шу боисданми, кун бўйи яқин дўстингиз ёки қариндошларингиз эсламаса ҳам, компания бир йўлаб қўяди. Системидаги янгилар, тоғли ҳудудларда қўлидаётган табии офатлар ва балансингиздаги пул. Булар тўғрисидаги хабарномаларни деярли ҳар кун ўқиймиз. Баъзида меъда-мига тегиш ҳам, унинг зарари йўқ, деймиз.

Компаниялар шу қадар меҳрибонки, ҳатто, бирор масалада ортиқча фикрлашга эҳтиёж қолдирмайди. Йигит яқин кўрган қизига дилини ёришга қўйналаётгани, марҳамат: тегишли кодни теради-да, тайёр шаблонни олади ва уни маҳбубасига жўнатади. Фарзанд онасини, ўқувчи устозини

ни байрам билан табриклаши учун-чи? Унга ҳам шаблон бор, албатта. Хеч қизиқиб кўрдингизми, ўша тайёр шеър, табрик ва изҳорларнинг савияси қай даражада экан? Ўзи, умуман, уларнинг зарурати борми? Мақолани ёзишга қиршар эканмиз, телефон орқали

қилишга ўтишибди! Ё биз замондан орқада қоламиз, ё компаниядагилар чегарадан чиқиб кетмоқда. Энди «изҳор»ларнинг маъно ва савиясига эътибор беринг:

**Қилар ишим хат ёзиш,
СМС юбораман,
Нима қилай жонгинам,
Сени жуда севаман.**

Ёки:

**Азизам мен стул билан
гаплашадиган, чойнак билан
нонушта қиладиган бўлиб қолдим! Агар тезда
СМС ёзмаган пилесос билан
ачом-ачом қиламан.** (Чалакам-чатти сўзларни, имло-ни қаранг!)

Бу шеър! «севги изҳор»ларини (агар шеър деб айтиш

"ШАБЛОН" ИЗҲОРЛАР

жўнатилаётган реклама, эълон, шеър ва табриклар мазмунини билан баҳоли қудрат танишиб чиқшга уриндик.

Бу дейман, алоқа компанияларида ўша шаблонларни саралаб, дастурга жойлаштирадиган масъул шахслар ҳам айрим мактаб ўқувчилари каби ҳ ва х ҳарфларининг фарқи боришмас керак. Акс ҳолда, чойхонани чойхона деб ёзишармиди? (Шаблонларни асл ҳолида келтираётимиз.)

«Дўстларингизга чойхонадан ёки жунгли, ҳаттоки денгиз қирғоғидан кўнги-роқ қилинг, зерикмайсиз. 0,45\$ /1 дақ».

Навбатдаги эълонни ўқисангиз, бу ҳам майлига, дейшингиз турган гап:

«Қизлар! Йигитга севги изҳор қилмоқчимисиз? БОЛА КОДИНИ 5454га юборинг. Обуна бўлиш бепул. Ҳар бир кўнгиручи СМС...».

Қойил-э! Энди йигитлар қолиб, қизлар севги изҳор

ўринли бўлса, албатта) масъул кишилар қаердан кўчириб берапти экан? Уни системага жойлаштиришда бадиий кенгаш муҳокамаси ёки мутахассис кўрсатмаси олинаяптими? Улардаги имловий, услубий хатолар ҳақида гапирмай тура қолайлик. Юқоридаги жумлаларни савия жиҳатидан юқори, инсоннинг эстетик дидини ўстирадиган, маънавий неъмат берадиган мукаммал шеър деб айта оламизми? Асло! Шундай экан, нега уни бутун оммага тақдим этишяпти? Абонентларнинг аксарияти ёшлар. Бугун, айниқса, ўсимирлар телефон, компьютерга муккасидан кетмоқда-ку? Бу каби «ташаббус»ларнинг илк «истеъмолчи»лари ҳам айнан улар эмасми? Шу каби саёз жумлалар уларнинг дидини ўтмаслаштириб қўймайми?

**Агар мени
ташлаб кетар бўлсангиз
Юрагимдан
борми ўчса исмингиз
Бир кун келиб
менинг ботир ўғлим**

**Севиб қолар сизни
«Бақалоқ» қизингиз!**
(Бу ҳавойи қаторларнинг имлосини ўзингиз тўғрилаб ўқирсиз.)

Энди ўйлаб кўринг, бундай сатрларни нафис изҳор деб айта оламизми? Қиз бола тилидан шу сўзларнинг «жаранг-лаш»ини бир тасаввур этиб кўринг-а?!

Эртақ эшитишни истамайдиган болақай топиламаса керак. Ота-онанинг эса, эртақ сўйлаб ўтиришга ҳар доим ҳафсаласи етавермайди. Бу борада ҳам «гамхўр» компаниялар ота-оналарга осон йўлни тавсия этишади:

«Янгилар! Энг қизиқарли мобил эртақлар сиз ва фарзандларингиз учун кўнгируқ қилинг».

Бу хабарни ўқиб, ўйлашиб қолдим: компанияларнинг муҳаббат ҳақидаги шеърий изҳорлари юқоридагидек бўлгандан кейин, эртақларнинг мазмунини, савияси қаёққа борарди?

Мақолани ёзиш асносида айрим юртошларимиздан бу ҳақда сўрадик. Уларнинг фикрлари сизни бефарқ қолдирмас керак.

— Футбол олами янгиларлари, об-ҳаво маълумотлари ҳақидаги хабарларни кўнор олиб тураман. Бу хабарлар менга асқотади, — дейди тижоратчи Азамат Рўзимов. — Агар хоҳласам, валюта курслари, мунажжимлар башорати ҳақидаги СМСларни ҳам олиб туришим мумкин...

Ҳа, компания СМСлари кун бўйи иш билан банд кишиларга яхши дастёр: телевизор кўриб ёки газета титкилаб ўтирмайди. Телефонидида бир-икки тугмани босса, кифоя. Буни кўпчилик ихобий баҳолайди. Лекин бунга салбий фикр билдирадиганлар ҳам йўқ эмас экан.

Mulohaza

— Бир кун тунги соат бирларда СМС келди. Очиб қарасам, компаниядан келган экан. Аллақандай қўшиқни юклаб ол, дейди. Менинча, улар чегара ва меъёрни унутиб қўйишмоқда, — дейди журналист Гулрух Мөнглиева.

— Бу шаблон изҳорлар бизни ортиқча фикрламасликка ўргатиб қўяди, — дейди ёш педагог Ирода Файзуллаева. — Инсон фикрлашдан эринса, бу — фожеа. Ақлий танбаллик ана шундай ҳолатлардан бошланади. Бора-бора, ақилларимиз учун табрик ёки дил изҳори ёзишга эринсак, ёзолмасдан тайёр шаблон излашга тушсак... Буни ўйлашнинг ўзи даҳшат!..

«Ёшлар бугун китоб ўқимай қўйди!», «Ёшлар онлайн оламга муккасидан кетмоқда!», «Улар бадиий адабиётга қизиқмаяпти... Турли адабий анжуманларда кўйиб-пишиб шу ибораларни ишлатаяпмиз, бу муаммонинг ечимини излаяпмиз, амалда қўйлапмиз. Лекин, барбир, техника, виртуал олам ёш авлодни ўзига мафтун қилишда давом этмоқда. Шундай пайтда ёшларни назмий оламдан баҳраманд қилиш жуда фойдали иш, аслида. Бу борада уяли алоқа операторларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз. Аммо савияга келганда... Қанийди, шу каби СМС хизматлари орқали мумтоз адабиётнинг нодир дурдоналари, ёшларнинг бадиий дидини ўстирадиган ғазал, рубойлар мунтазам берилб бориlsa... Қанийди, техника маънавий оламимиз боийишга хизмат қилса, эзгуликка етакласа... Қанийди, уни деб инсоний туйғулар софлигини, изҳорлар эса, самимийлигини йўқотмаса...

Уяли телефон ўз қўлимизда экан, буларнинг чораси йўқ эмас!

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири**

ОҚАНГЛАРНИ БАХТ ИЗЛАБ...

Санъат инсоннинг дидини шакллантириб, унга эстетик завқ бағишлайди. Мутахассислар фикрича, мусиқа ёки бирон-бир куй орқали ҳатто инсондаги ҳасталиқларни даволаш мумкин экан. Психологлар инсон руҳиятини ўрганиш ва унинг ҳаётга, атрофдагиларга нисбатан муҳаббатини ўйғотишда мусиқа санъатидан кенг фойдаланадилар. Бир сўз билан айтганда, санъат инсонга сув билан ҳаводек зарур. Халқимизнинг севишли дostonи "Алломиш", қадимда боболаримиз, момоларимиз айтган меҳнат қўшиқлари мисолда айтиш мумкинки, инсоният бор экан, унинг қалби санъатга ошно бўлаверади. Уни ривожлантириш, ёш авлодни санъат кишии қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратаётганининг сабаби ҳам шу эмасми? Эътибор, қўллаб-қувватлаш ва мунтазам рағбатлантириб бориш натижасида ютуқлар кўпаяверади. Қашқадарёнинг кўпгина иқтидорли ёшлари республика миқёсида ўтказилаётган турли танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларини эгаллаб келмоқда. 2011 йили ўтказилган Мухиддин Қорӣқубов номидаги республика танловининг якуний босқичида Китоб туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Достон Рўзимуродов 1-ўринни қўлга киритди. Яққабог туманидаги 18-БМСМ

ўқувчиси Достон Саидов ҳам шу кўриктанловда иштирок этиб, республика босқичида 2-ўринни эгаллаганди...

"Тангалик болалар" фильмидаги Дostonни яхши танийсиз. Номини эшитишингиз билан кимдир "Биз томонга бир қараб қўй", дегандек бўлади-а? Унда келинг, бир қараб қўйлик. Фақат, Яққабог томонларга...

Жайчи маҳалласидагилар ҳар кеч Хурсан момонинг "Дoston-ув!" деган қақирғини эшитишга одатланиб қолган эди. Мабоодо набирасини буюиси баланд овозда қақирмай қолса, қўшнилари "Нима бўлди, тинчликми? Хурсан момо қизлариникига кетганими ёки Дoston бугун уйдаими, дейман?" каби тахминларга бериларди. Уйинқароқ бу бола маҳалла эркактойларидан. Унинг тилидан тушмайдиган:

**Мен қўлимни бир чўзсам,
Қўлимга кўнар кўш —**
жумласи билан айтилувчи қўшиқ баъзида маҳалла қарияларининг бошини «огритарди». Уларнинг қойишлари кор қилса, қани эди! Аксинча, у ҳатто ўзидан ёши катта қизларга ҳам "Биз томонга бир қараб қўй", дея "гап отиб" кўярди.

Унинг бу каби одатларини кўриб Хурсан момо "Дostonим зўр ҳофиз бўлади", дея ният қиларди. Буюисининг орзуларини, ўзининг истакларини

ни рўёбга чиқариш мақсадида қаҳрамонимиз Дoston Саидов дастлаб Яққабог туманидаги 18-болалар мусиқа ва санъат мактабидида анъанавий хонандалик бўлимининг анъанавий ашула йўналишида тахсил олди. Ҳозир Дoston Қарши санъат коллежида моҳир педагоглардан санъат сирларини ўрганмоқда. Унинг келажакдаги орзулари бисёр...

Сувон Баҳромовнинг қалбларни титратадиган овози, дилларни яйратадиган қўшиқлари бор. Унинг ижросидаги қўшиқларни, айниқса, китобликлар севиб тинглашди. Ўғли Дoston Рўзимуродов ҳам санъат соҳасини танлади. Ёшлигидан фарзанди қалбида санъатга меҳр уйғота олган ота бугун у эришадиган ютуқлар билан фахрланади.

— Ўғлим Дostonбек санъат сирларини туманимиздаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабидида ўргана бошлаган эди, — дейди Сувон Баҳромов. — Устозлари Шомир Раҳимов, раҳматли Норкул Соҳибовдан миннатдорман. Улар берган билимлар ёрдамида Ўғлим Тошкент маданият коллежида ўқишни қўйналмасдан давом эттирапти. Дoston 2008 йили "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг академик хонандалик йўналишида қатнашиб, лауреат бўлди.

— Мактабимизда икки юздан зиёд

ўғил-қиз фортепиано, халқ чолғу асбоблари, дамли чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик ва созандалик, эстрада, торли чолғу асбоблари, хореография, тасвирий санъат йўналишлари бўйича сабоқ олмақда, — дейди Китоб туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Анвар Абдуллаев. — 32 нафар малакали мутахассис уларнинг иқтидорини юзага чиқаришга қўмаклашаяпти.

Мактабнинг бир гуруҳ ўғил-қизи 2009 йили "Болалик баҳори" республика кўрик-танловининг халқ чолғулари ансамбли йўналишида қатнашиб, биринчилигини қўлга киритди. 2011 йили мактабнинг "Истиқлол" дуторчи қизлар гуруҳи "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлди.

Бу каби ютуқларни санасак, давом этаверади. Бугун қайсидир тенгдошимизнинг эришган улкан ютуғи, кўп ўтмай қандайдир билим масканининг қуриб битказилгани ёки ишга туширилгани ҳақидаги хушхабардан қувонасиз. Айтганча, Муборак туманидаги Бобур маҳалласи ҳудудида яна бир болалар мусиқа ва санъат мактаби жадал суратларда бунёд этиляпти. Мактаб 150 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, санъатсевар ёшлар ва устозлари учун барча шароитлар муҳайё қилинади. Қарабсизки, ёшларимиз зришаётган ютуқлар яна кўпаяверади. Мухими, улар санъатга меҳр қўйиб улғаядилар. Санъатга ошно қалблардан эса, фақат эзгу ғоялар, буюк кашфиётлар, мўъжизалар куттиш мумкин.

Моҳиғул ҚОСИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ЎЗБЕК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2012-2013 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

T/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминланиш тури					
1-синф					10	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2009	ижара
1	Алифбе	Р.Сафарова ва б.	2012	беғул	11	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
2	Ёзув дафтари	М.Ғуломов	2012	беғул	12	География	А.Соатов ва б.	2009	ижара
3	Она тили	Т.Ғаффарова ва б.	2012	беғул	13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
4	Ўқиш китоби	Т.Ғаффарова ва б.	2012	беғул	14	Музыка	С.Бегматов ва б.	2008	кутубхона фонди
5	Математика	М.Ахмедов ва б.	2012	беғул	15	Жисмоний тарбия (5–6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2012	беғул	16	Конституция оламига саёхат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц.	2012	беғул	17	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо
8	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2012	беғул	18	Соғлом авлод асослари	Д.Ахмедова ва б.	2007	кутубхона фонди
9	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2012	беғул	7-синф				
10	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	беғул	1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2009	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2012	беғул	2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2009	ижара
12	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо	3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
13	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди	4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2009	ижара
14	Конституция алифбоси	О.Каримова	2008	кутубхона фонди	5	Немис тили «Assalom, Deutsch»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
2-синф					6	Француз тили	В.Бухин ва б.	2009	ижара
1	Она тили	К.Косимова ва б.	2012	ижара	7	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2009	ижара
2	Ўқиш китоби	Т.Ғаффарова ва б.	2012	ижара	8	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2009	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	9	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2009	ижара
4	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2012	ижара	10	Геометрия	А.Азамов ва б.	2009	ижара
5	Атрофимиздаги олам	П.Ғуломов ва б.	2012	ижара	11	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2009	ижара
6	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	ижара	12	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2009	ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	13	Зоология	О.Мавлонов	2009	ижара
8	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2010	ижара	14	География	П.Ғуломов ва б.	2009	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	15	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007, 2008, 2011	кутубхона фонди очик савдо	16	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2009	ижара
11	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо	17	Музыка	О.Иброҳимов ва б.	2008	кутубхона фонди
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди	18	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2007	кутубхона фонди
13	Меҳнат таълими *	Ҳ.Санакулов ва б.	2012	очик савдо	19	Жисмоний тарбия (7-8)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
3-синф					20	Конституция оламига саёхат	В.Костецкий ва б.	2008	очик савдо
1	Она тили	С.Ғузаилов ва б.	2012	ижара	21	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо
2	Ўқиш китоби	М.Умарова ва б.	2012	ижара	22	Соғлом авлод асослари	Г.Солиқова ва б.	2007	кутубхона фонди
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	8-синф				
4	Математика	С.Бурхонов ва б.	2012	ижара	1	Она тили	М.Қодилов ва б.	2010	ижара
5	Табиятшунослик	А.Бахромов	2012	ижара	2	Адабиёт	С.Олимов ва б.	2010	ижара
6	Одобнома	М.Холикова ва б.	2012	ижара	3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
7	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
8	Музыка	Х.Нурматов ва б.	2010	ижара	5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2010	ижара	6	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушўқурова ва б.	2010	ижара
10	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007, 2008, 2011	кутубхона фонди очик савдо	7	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
11	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо	8	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
12	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди	9	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
13	Меҳнат таълими *	Ҳ.Санакулов ва б.	2012	очик савдо	10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
4-синф					11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
1	Она тили	Р.Икромова ва б.	2011	ижара	12	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
2	Ўқиш китоби	С.Матчонов ва б.	2011	ижара	13	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	М.Алиев ва б.	2011	ижара	14	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2010	ижара
4	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2011	ижара	15	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
5	Табиятшунослик	А.Бахромов	2011	ижара	16	География	П. Мусаев ва б.	2010	ижара
6	Одобнома	М.Холикова ва б.	2011	ижара	17	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	ижара
7	Музыка	О.Иброҳимов	2011	ижара	18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
8	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2011	ижара	19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
9	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2012	очик савдо	20	Жисмоний тарбия (7–8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	кутубхона фонди
10	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2012	очик савдо	21	Соғлом авлод асослари	Г.Солиқова ва б.	2007	кутубхона фонди
11	Конституция алифбоси	О.Каримова	2007	кутубхона фонди	22	Солиққа тортиш асослари	Э.Сариқов ва б.	2008	кутубхона фонди
12	Иқтисод ва солиқ алифбоси	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо	9-синф				
13	Саломатлик дарслари	Д.Шарипова ва б.	2007	кутубхона фонди	1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2010	ижара
5-синф					2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2010	ижара
1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2011	ижара	3	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
2	Адабиёт (1,2- қисм)	С.Ахмедов ва б.	2011	ижара	4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
3	Русский язык	О.Қодинова	2011	ижара	5	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара	6	Француз тили «Bonjour la France»	А.Носиров ва б.	2011	ижара
5	Немис тили "Deutsch"	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара	7	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара
6	Француз тили «Bonjour la France»	А.Носиров ва б.	2011	ижара	8	Математика	Б.Хайдаров	2011	ижара
7	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара	9	Ботаника	У.Пратов ва б.	2011	ижара
8	Математика	Б.Хайдаров	2011	ижара	10	Табий география бошланғич курси	П.Ғуломов ва б.	2011	ижара
9	Ботаника	У.Пратов ва б.	2011	ижара	11	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	ижара
10	Табий география бошланғич курси	П.Ғуломов ва б.	2011	ижара	12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
11	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	ижара	13	Музыка	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара	14	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди
13	Музыка	А.Мансуров ва б.	2005	кутубхона фонди	15	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2012	очик савдо
14	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди	16	Тасвирий санъат	Т.Қўзиев ва б.	2012	очик савдо
15	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2012	очик савдо	17	Конституция оламига саёхат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди
16	Тасвирий санъат	Т.Қўзиев ва б.	2012	очик савдо	18	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо
17	Конституция оламига саёхат	В.Костецкий ва б.	2008	кутубхона фонди	19	Соғлом авлод асослари	Д.Ахмедова ва б.	2007	кутубхона фонди
18	Иқтисод ва солиқ сабоқлари	Э.Сариқов ва б.	2008	очик савдо	6-синф				
19	Соғлом авлод асослари	Д.Ахмедова ва б.	2007	кутубхона фонди	1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2009	ижара
6-синф					2	Адабиёт	С.Ахмедов ва б.	2009	ижара
1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2009	ижара	3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара
2	Адабиёт	С.Ахмедов ва б.	2009	ижара	4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара
3	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2009	ижара	5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара
4	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2009	ижара	6	Француз тили	З.Абдушўқурова ва б.	2009	ижара
5	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2009	ижара	7	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара
6	Француз тили	З.Абдушўқурова ва б.	2009	ижара	8	Математика	М.Мирзаахмедов ва б.	2009	ижара
7	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2009	ижара	9	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара
8	Математика	М.Мирзаахмедов ва б.	2009	ижара	10	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2009	ижара	11	Жаҳон иқтисодий-иқтисодий географияси	А.Қайумов ва б.	2010	ижара
7-синф					18	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
1	Она тили	Н.Махмудов ва б.	2010	ижара	19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	2010	ижара	20	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	очик савдо
3	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара	21	Соғлом авлод асослари	Г.Солиқова ва б.	2007	кутубхона фонди
4	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара	22	Солиққа тортиш асослари	Э.Сариқов ва б.	2008	кутубхона фонди
5	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2010	ижара	23	Дунё динлари тарихи	У.Жўраев ва б.	2004,2010	Очик савдо
6	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара					
7	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара					
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара					
9	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2010	ижара					
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара					
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара					
12	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	2010	ижара					
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара					
14	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара					
15	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2010	ижара					
16	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2010	ижара					
17	Жаҳон иқтисодий-иқтисодий географияси	А.Қайумов ва б.	2010	ижара					
18	Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара					
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара					
20	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	очик савдо					
21	Соғлом авлод асослари	Г.Солиқова ва б.	2007	кутубхона фонди					
22	Солиққа тортиш асослари	Э.Сариқов ва б.	2008	кутубхона фонди					
23	Дунё динлари тарихи	У.Жўраев ва б.	2004,2010	Очик савдо					

«ЎЗБЕКНИНГ ДАСТУРХОНИДА ЗАЙТУН ЁҒИ БЎЛАДИ»

шуни орзу қилган олима ўз мақсадига эришмоқда

Дилором опа хайвон ёғининг инсон организмга салбий таъсири ҳақида кўп ўқиган. Кўй ва мол ёғи организмда қийин ҳазм бўлади, холестерин миқдорини оширади. Ўсимлик ёғининг энг яхши хусусиятларидан бири — инсон организмда холестерин түплamayди. Хўш, юртимизнинг иқлим шароитига мос қандай ўсимликни кўплаб етиштириш ва аҳоли дастурхонига тақдим этиш мумкин?

Устози Е.П.Гореловнинг тақлифи билан 1933-35 йилларда мамлакатимиз ҳудудига экилган-у, кейинчалик иқлим шароитимизга мос эмас, деб нотўғри хулоса чиқарилган **соя ўсимлиги** агротехникасини ўрганишга аҳд қилди. Унинг дошида 25 фоизгача тоза ва сифатли ёғ ҳамда 45-50 фоизгача оксил моддаси мавжуд бўлиб, 400дан зиёд турли хил махсулотлар олинди. Тадқиқотчи энг сифатли мой берувчи соя ўсимлиги хусусиятларини ўрганишга бағишланган докторлик илмий ишینی ёқлаш натижа-сида уни бизнинг тупроқ иқлим шароитига мослаштириш мумкин, деган хулосага келди. Ана шу мақсадда барча вилоятларда соянинг 100дан ортқ навларини экди, ўрганди. Соя экилган тупроқ унумдорлиги ҳам анча ошар экан. Олимнинг тадқиқотларидан сўнг, мана, ҳозирги кунда бу ўсимлик республикамизнинг ўн минг гектардан зиёд майдонига етиштирилмоқда.

Дилором Ёрматова мойли экинлар бўйича етук мутахассис бўлгани боис экологик тоза ана бир ўсимлик тури — зайтунни Ўзбекистон шароитига етиштириш мумкин, деган ғояни илгари сурди. Зайтун шифобахш, узок йиллик ва қадимий дархат бўлиб, таркибида 102 хил элемент мавжуд. У минг йил умр кўради ва ҳаттоки муқаддас китоб — Қуръони каримда ҳам зайтун алоҳида аҳтиром билан тилга олинган. Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в.) ўз умматларини зайтун мойи билан озимлаштиришга чақирган. Уч минг йиллик «Авесто» китобининг Хоразм ва Сурхон воҳалари ҳақидаги парчасида зайтунлар ўсиб ётибди, деган жумлалар битилган экан. Дилором опа ана шу битикларни ўқиб, узок йиллар ўзига тинчлик бермаган фикрининг тасдиғини топгандек бўлди. «Ўрта Осиё олимларининг илмий ишлари» түпламига Ўзбекистон табиий шароитида субтропик ўсимликлар — анор, анжир, хурмо, гилос, чой қатори зайтун дархати ҳам экиш мумкинлиги кўрсатилган экан. Опа қатъий бир қарор



Fanimiz fidoyilari

га келгач, 2002 йили Туркиядан келтирилган 4 донга зайтун кўчати-ни Сурхондарё вилоятининг субтропик ҳудуди — Олтинсой туманига бориб ўтказди. Бу ҳақда шов-шув кўтаришга ҳали эрта бўлса ҳам, Дилором опа амалга ошираётган савоб ишдан хабар топган журналистлар ўша даврдаяқ хушхабарни бутун мамлакатга тарқатиб улгурдилар.

2006 йил апрели охирида Дилором опага Сурхондарёдан кўнгирок қилишди: зайтунлар гуллабди. Кувончи ичига сиғмаган олима ўша кунёқ шошилиб, Термиз шаҳрига учиб кетди. У гуллаган зайтун дархатини кучоқлаб, баргларида ўпди, кўзларига суртди. Ахир, бу кўнни узок йиллар кутганди, насиб этса, энди ўзбекининг дастурхонига ҳам зайтун ёғидан пиширилган таом туради. 2007 йили вилоятда 12 гектар майдонга зайтун кўчатлари экилди, нойнлар қаддини түтиб олди. Аммо 2007 йилдан 2008 йилга уланган қиш қаттиқ келиб, — 30 даражача қаратон кузатилди. Барча зайтун кўчатлари, анор, анжир, хурмо ва бошқа кўпгина дархатлар ҳам совуқдан нобуд бўлди. Катта янглиска кўз урдим, ўзбек халқига экологик тоза мой манбаи — зайтунни етиштириб бераман, деган олимнинг тарвузи қўлтиғидан түшди. Мўъжизани қарангки, 2008 йил баҳорда зайтун кўчатлари қайтадан ниш кўрсатди. Орадан түрт йил ўтиб, яъни ҳозир Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида зайтун кўчатлари парвариш-

ланмоқда. Жорий йили кўпгина майдонларда зайтун дархатлари гуллаб, ҳосилга кирди. Дилором Ёрматова Испаниянинг 14 хил, Италиянинг 10, АҚШнинг 6, Туркиянинг 14, Озарбойжоннинг 2 хил зайтун нави коллекциясини түпллади. Ушбу навларни маҳаллий шароитга мослаштириш жараёни тадқиқотчиларни изланишга ундамоқда.

Дилором Ёрматова 2004 йилдан бошлаб Сурхондарё маҳаллий навлари орасидан танлаб олинган бугдой намуналарини чукур ўрганиб чиқди. Эртапишар, таркибида клейковина(оксил модда)си юқори, серхосил бугдой намунаси Сурхондарё ва Андижон вилоятларидаги фермер хўжалиқларида ўстириб кўрилганда, натижа кувонарли бўлди. Ушбу намуна 2010 йили Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлигининг буйруғига асосан «Келажак» номи билан сифатли нав сифатида давлат реестрига киритилди. Бугун бу бугдой нави экилган майдонлар 500 гектардан ошди, гектаридан 85—90 центнергача ҳосил олинмоқда. «Келажак» навининг бирламчи уруғчилиғини йўлга қўйиш учун давлат гранти ютди ва Андижон вилоятининг «Оқсув» фермер хўжалиғида тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Олима ўзининг узок йиллик илмий-педагогик фаолияти давомига 30дан зиёд дарслик ва ўқув кўлланмаси, 350дан ортқ илмий мақола-лар чоп этди. «Ўсимликшунослик», «Тупроқшунослик», «Қишлоқ хўжалиғи асослари», «Дехқончилик», «Донли экинлар», «Мойли экинлар», «Экология», «Табиий фанларнинг замонавий концепцияси», «Зайтун етиштиришнинг агротехникаси ва иқтисодий самаралари» каби дарслик ва кўлланмалар шулар жумласидан. Олий таълим муассасаларида бу ўқув адабиётларидан унумли фойдаланилмоқда.

— Ҳаётимда икки қоидага амал қилиб яшайман. Биринчиси — бугунги ишни эртага қўйма! Иккинчиси — ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасад қилма, аксинча, ҳавас билан қара, шунда сен ҳам ниятига эришасан! Мен бу икки ҳикматнинг нақадар тўрилиғига ўз ҳаётим мисолида амин бўлдим, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети «Табиий фанлар» кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова.

Хулкар ТҶИМАНОВА

Гулистон давлат университети ўқитувчиси Гулмурод Ғаймназаров самарали меҳнати туфайли эл ардоғига сазовор бўлган инсонлардан бири. У мактабда физика, математика фанлари-га ихло с қўйди, тушунчаларни чукур ўзлаштириб, тенгдошларига ўрнак бўлди. Физика-математика фанлари номзоди даражасини олган

ўқитувчилар ва талабалар кенг фойдаланмоқда. Эътиборли жиҳати, мазкур кўлланма «Йилнинг энг яхши дарслиғи ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида ғолиб деб топилди.

Г.Ғаймназаровнинг 2008 йили «Иқтисодий-да математика», 2011 йили эса «Функциянинг силлиқлик модули» ўқув кўлланмаси ҳам чоп эти-

Орамиздаги одамлар

МАТЕМАТИК ОЛИМНИНГ ЕТМИШИНЧИ ДОВОНИ

нидан сўнг ҳам тиниб-тиничмади, илмий-тадқиқот ишларини узлуксиз давом эттирди. Унинг илмий ишлари АҚШнинг «Америка математиклар жамияти» илмий журна-ли, «Математик ахборот-лар» ҳамда хорижий ил-мий журналларда ва ил-мий конференция мате-риаллари түпламларида эълон қилинди.

Дароқе, 1993 йили бўлиб ўтган математик-ларнинг халқаро илмий конференциясида Гулму-род аканинг илмий иш-лари нуфузли олимлар томонидан юқори баҳо-ланди, орадан бир му-дат ўтиб Ўзбекистон Рес-публикаси Фанлар ака-демияси академиғи Шавкат Алимов раҳбар-лиғидаги семинарда «Ҳақиқий ўқда берилган функцияларнинг кон-структив хоссалари» мавзу-ида маъруза қилди ва баён қилинган натижалар семинар қатнашчилари томонидан фандаги ян-гилик дея эътироф этил-ди.

Кейинги пайтларда домланган математика соҳасидаги илмий изла-нишлари янада самара-ли бўлаётир. Жумладан, 2006 йили «Функционал анализ қурсидан масала-лар ечиш» номли ўқув кўлланмаси нашр этил-ди. Бу кўлланмадан

либ, мутахассислар томо-нидан ижобий баҳолан-ди...

Домла меҳрибон ус-тоз, ғамхўр мураббий сифа-тида доимо ёшларга бош-қош. Тадқиқотчи-изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиб кел-моқда. Гулистон давлат университети томонидан ишларида, илмий-ус-лубий фаолиятида доимо меҳнатсеварлик, жўш-қинлик намунасини кўрсатаётир.

Гулмурод ака чиндан-да бахтли оила соҳиби. Турмуш ўртоғи Турдиох-ла билан салкам ярим асрдан буён умргузарон-лик қилиб келаяпти. Олти нафар фарзанд-нинг меҳрибон отаси, ўн беш набиранинг севиқ-ли бобосидир. Бундан ортқ бахт бўлмаса ке-рак.

Умр қарвонининг ет-мишинчи довонини қар-шилайтган Гулмурод ака ҳамон изланишда, ти-нимсиз меҳнат бағрида яшамоқда. Ҳаёт сар-ҳисоби шунчаки мате-матик рақамларда эмас, балки самарали меҳнат кўрсаткичларида эканли-ғи кишини қувонтира-ди. Баракали ва сермаз-мун умриниғиз янада зи-ёда бўлаверсин, устоз!

Ашурали БОЙМУРОД

АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ

У қандай бўлиши керак?

иш тажрибасига эга.

— Университетда таникли ада-биётшунос олимлар Хотам Уму-ров, Иноятулло Сувоноқов, Ваҳоб Эга-мов кўлида тахсил олдим, — дей-ди сўхбатдошимиз. — Улардан кўп нарсани ўргандим. Адабиёт шун-чаки ўқитиладиган фан эмас. У мураббийдан иқдоркорлик салоҳия-тини ҳам талаб қилади. Қолавер-са, ўқувчининг қалб оламини бой-итишда муаллимнинг ўрни бе-ниҳоя каттадир.

Рустам Бердиалиевнинг «Гуноҳ, не қилсин» (1993 йил), «Шайдо юрак» (2008 йил) китоблари нашр этилган. Рустам ака 34 йиллик иш тажрибаси давомида муаллимлик касбига ёшларда қизиқиш уйғотди. 15 йилга яқин мактабга раҳбарлик қилди. Мактабда 1983—2008 йил-ларда фаолият кўрсатган «Шалола» туғарағида бир қатор ёш иқдор-корлар қашф этилди. «Рустам аканинг иш тажрибаси кўплаб шоғирдлари-га, биз собиқ ўқувчиларига ибрат», дейди 12-умумтаълим мактаби ди-ректорининг маънавият ва маъри-фат ишлари бўйича ўринбосари

Мирзаали Эшбеков. — У ҳамиша ўз устида изланади, мураббийлик билан бирга бадийи иқодни ҳам давом эттирмоқда. Бу фаолият ҳам ўз-ўзидан бўлмайди, ахир. Иқод ду-нёси бу машаққат деганидир.

Адабиёт яшайтган жойда маъ-навият ҳам бўй чўзади. Ўсиб кела-ётган ёш авлоднинг орзу-интилиши, мақсади, эзгу нияти рўёбга чиқа-ди.

Олис Қўшработ туманининг Оқчобсой қишлоғи томонга ҳеч йўлиниги тушганими? Бу тоғларнинг салобати, ҳайбати ўзи мўъжиза. Эшка, Жала, Ёнқоқли, Дуоба, Но-қисой, Қўшқовуз қишлоқлари аҳолиси фарзандлари Оқчобсой қишлоғидаги 51-умумтаълим мак-табда тахсил олади.

Мазкур мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси — Жўра-бой Қораяв. Жўрабой ака СамДУ-нинг ўзбек филологияси факульте-тига ўқишга кириб, Муслиҳиддин Мухиддинов, Хотам Уму-ров, Иноят-улло Сувоноқов каби тилшунос-лик ва адабиётшунослик илмининг фидойилари қўлида тахсил олди.

— Тилини, адабиётни ўқувчилар-нинг севимили фанига айлантириш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади, — дейди у. — Ўқувчилар-нинг воёга етиш даврида ватанпар-варлик, инсонпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш бадийи адабиёт-га, адабиётни ўқитишга бориб та-қалади. Боланинг тиник нигоҳлари-га қараб, қалб тарағлиғини ан-глаш мушкул эмас. Уларда юртга меҳр, ўз таллаган йўлида собитлик, касб-кор танлаш болаликдан шакл-ланади. Аввало, болаларда китоб-га ҳавас, меҳр уйғотиш керак. Бола қачонки китоб инсоннинг энг яқин дўсти эканини англаб етса, у билан сўхбатдош, бевосита сир-дош бўлсагина, меҳнатимиз зое кетмайди. Яхши ўқитувчи-мураббий бўлиш учун чукур билим ва меҳр, биланларини болаларга завқ би-лан улаиши маҳорати — асосий зарурат.

Жўрабой ака қишлоқнинг энг катта маънавият тарғиботчиси ҳам-дир. Сабаби, катта байрамлар маъ-навият маскани — мактабда ўтади. Жўрабой аканинг юзлаб шоғирдла-

ри олий ўқув юртларида тахсил олишди. 30га яқин муаллим у ки-шининг таъсирида бу касбни тан-лади, меҳр қўйди.

Адабиёт муаллими шевр ёки ҳикоя эмас, оламшумул асарлар ярато олмас, эҳтимол. Аммо мил-лат адабиётини ёш авлодга етқа-зиб беради, маънавиятга, адабиёт-га меҳрни уйғотди. Демак, унинг қўлида сўз санъатидан, ҳаёт илми-дан сабоқ олаётган ўқувчилар бар-камол шахс бўлиб, мустақил ҳаёт-га қадам қўйиши керак.

Таникли ёзувчи Хайриддин Сул-тонов: «Адабиёт нега ўқитилди?» мақоласида: «Адабиёт, аввало, меҳр билан ўқитилиши керак. Бу — дегани адабиёт фанидан «сабаби тирчилик» деб юрган тасодифий кимсалар эмас, адабиётга чинакам беғараз муҳаббат қўйган фидойи-лар сабоқ беришлари лозим», деб ёзади. Публицист Ашурали Жўра-ев эса: «Мен ўқитувчини давр виқ-донч, замон жарчиси деб биламан», дейди.

Хуллас, замон ва ҳаёт мураббий зиммасига каттадан-катта масъу-лиятни қўймоқда. Шу боли сизлар уйғоқ бўлинг, азиз адабиёт муал-лимлари!

Ўлжабой ҚАРШИБОВ

Болалигим Нурота туманидаги Қадок қишлоғида ўтган. Адабиёт муаллими Боймат Алматовнинг сабоқларини тинглаб улғайдик. Бошланғичдан юқори синфга қадам қўйганимиздаёқ, у киши дастлабки адабий тасавурларимизни анча бойитган эди, шу боис, бошқа фанларга қараганда биз ўқувчилар адабиёт дарсининг тез-роқ бошланишини интизорлик билан кутардик. Адабиёт муаллими биз ўқувчиларнинг қўнғлига йўл топа билган, шу фанга меҳр уйғо-та олганди. У киши Ҳамид Олим-жоннинг «Ўрик гуллағанда» шеърини ифодали ёддан ўқиб, баъзида тўй-маъракаларда ўқитувчимизга сўз бериб қолишса, ўша шеърни баланд овозда ўқиб, барчани лол қолдирар, йилганларни адабиёт-нинг таъсир кучи билан сехрлаб кўяр эди.

Бугунги кунда адабиёт ўқитиш жараёнига янги услубий изла-нишлар татбиқ этиляпти. Аммо ҳали ҳам доимо изланишда, ҳозиржавоб, адабиётни ҳис қиладиган муаллимларга муҳтожмиз. Сўхбатдошимиз Рустам ака Бер-диалиев Булуғру туманидаги 12-умумтаълим мактабидан она тили ва адабиёт фанидан дарс бера-ди. Университетни имтиёзли дип-лом билан битирган. 34 йиллик

JUMLADA JAHON
yangiliklar, xabarlar

Фукусима (Япония)даги халокатдан сўнг фаолияти тўхтатиб қўйилган атом электр станцияларининг қайта иш бошлаши маълум қилинган. Токиода 170 мингдан ортиқ аҳоли «Атом энергияси, ал-видо!» шиори остида норозилик намойишига чиқиб, ҳукуматнинг реакторлардан яна фойдаланиш режасига қарши эканини билдирмоқда.

Бразилиядаги Риу-Гранди-ду-Сул штатида соҳилда топишган 500дан ортиқ ўлик пингвинларнинг нефть билан заҳарланиш ҳолати ёки танада бирор бир жароҳат аниқланмагач, экспертиза текшируви Порту-Алегри шаҳри университетида давом эттирилмоқда.

Детройт штати ва Винзор шаҳри ўртасидаги АҚШ ҳақида Канадани бoғлаб турувчи, доимо гавжум ва иктисодий аҳамиятга эга Амбассадор кўприги ақин ҳудудда портловчи модда қўйиб кетилгани тўғрисида маълумот олинган, хавфсизлик нуктаи назаридан иншоотда нomaълум муддатга ҳаракат тўхтатилди.

Буюк Британия ҳукумати мамлакатнинг темир йўл тизимини модернизациялаш мақсадида 9,4 миллиард фунт стерлинг (14,6 миллиард доллар) маблағ сарфлаб, 2014—2019 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳа доирасида қўндалик йўловчилар оқими 140 мингга оширилишини маълум қилди.

ЎРТА ПАЛЕОЛИТ
ТОПИЛМАСИ

Яманда топишган тош даврига оид асбоблар одамлар Африкадан Арабистонга бундан тахминан 63 минг йил аввал кўчиб ўтганидан дарак бермоқда. Бордо университети (Франция) ходими Анна Деланнинг «Инсон эволюцияси наشري» («Journal of Human Evolution»)даги мақоласида баён этилишича, одамнинг Африкадан Евроосиёга Арабистон яриморали орқали кўчиб ўтиши — тарихдаги энг баҳсли ҳодисалардан биридир.



Топилмалар Яман баланд тоғли ҳудудини соҳил бўйи текислиги билан туташтирувчи Сурдуд водийсида аниқланган. Шибат-Дихья номини олган мазкур манзилгоҳ «ёши кўпчилик олимларнинг фикрича, илк замонавий одамлар Шарқий Африкани тарк эта бошлаган даврга мос келади. Арабистон яриморали эса қадимги инсонлар учун йўлак вазифасини бажарган.

Яна бир илмий фаразга кўра, Жанубий Осиёни эгаллаган гуруҳлар Арабистон қирғоқларига ҳам ўрнашган (тахминан 60 минг йил олдин) ва ўзлари билан микролит асбоблар, туқуш туҳуми пўчоқларидан ясалган маржонлар ҳамда кесувчи қуролларни ҳам олиб келишган. Бироқ бунга аниқ далиллар ҳозирча топилмаган.

Сабоби, бутун минтақада топилмаларнинг геологик жойлашуви маълум эмас, шу боис уларни у ёки бу даврга тегишли эканини аниқлаш деярли иложсиз. Айнан шу нуктаи назардан, Шибат-Дихьядаги манзилгоҳ эътиборга молиқ. Бу ерда жами 5 488та қадимий буюм топишган: пичоқлар, узунлиги 2,5 сантиметрга тенг ўқир учли найзалар, 97 хайвон суюги, асосан, сигир, от ҳамда жайралар қолдиқлари шулар жумласидан.

Энг қизиғи шундаки, Сурдуд водийсида топишган, эски аъналар асосида ясалган тош қуроллар Африкани 60 минг йил аввал тарк этган одамлар маданиятига хос эмас. Бу қадимги африкаликлар бўш ерларга кўчиб келмагани, балки маҳаллий аҳоли ўрта палеолит даврида одамлар ҳаётига чуқур ўрнашган маданият билан тўқнашганидан далолат беради.

УМРНИ ИККИ ЙИЛГА УЗАЙТИРИШ
ИМКОНИ

Британиялик олимларнинг таъкидлашича, иш вақтида иш столида ўтиришни кўнга 3 соатга қисқартирган ходимлар шу йўл билан ўз умрини тахминан икки йилга узайтириши мумкин экан. Бу ҳақда «Би-Би-Си» хабар беради.

Бундан ташқари, телевизор томоша қилишни 2 соатга қамайтириш орқали ҳам умр давомийлигини узайтириш мумкин, дейди олимлар. Бунинг натижасида ҳаёт камида 1,4 йилга узаяр экан.

Олимлар 2005—2009 йиллар давомида 167000 одам иштротида ўтказилган сўрономалар асосида олинган маълумотларга таянган ҳолда изланиш олиб бо-



ришган. Мутахассислар олинган ахборотни таҳлил этиб, бир жойда ўтирган ҳолда ишлаш соғлиқ учун қанчалик хавф туғдиришини ҳисоблаб чиқаришди. Маълум бўлишича, бир жойда узок вақт ўтириб ишлаш натижасида 27, телевизор кўриш эса 19 фоиз ҳолатда соғлиққа жиддий зарар етказиши мумкин экан. Демакки, кўнга 3 соатдан кам ўтирган, 2 соатдан кам телевизор кўрган одам бошқаларга нисбатан кўпроқ умр кўриш имконига эга, дейди тадқиқот раҳбари, Кэмбрик университети профессори Дэвид Шлигелхелтер. Мазкур ҳулосалар яна бир бор фаол ҳаёт тарзининг ижобий эканини намоён этди.

КИНОДАГИ САЛБҲИ ОДАТ ХАЁТГА
КЎЧАДИ

Дартмут (АҚШ, Нью-Ҳэмпшир штати)даги Гейзел тиббиёт мактаби илмий ходимлари таъкидлашича, чекадиган қаҳрамонлари бор кино лавҳаларни кўп кўрган ўсмирлар бошқа тенгдошларига нисбатан ҳаётда ушбу зарарли одатга тез асир бўлар экан. Мавзуга оид мақола «Педиатрия» («Pediatrics») журналида чоп этилди.

Сўнгги йилларда кино сановатида машҳурликка эришган 500та фильмда қаҳрамонлар чекадиган нечта лавҳа борлиги ҳисоб-китоб қилинди. Сўнг мутахассислар 10—14 ёшдаги 6,5 минг нафар бола ўртасида сўров ўтказишди. Маълум бўлишича, 13 ёшгача бўлган болаларга тавсия этилмайди (PG-13) категориядаги фильмларда ўртача 275та, 17 ёшли болалар фақат катталар билан бирга кўриши мумкин бўлган (R рейтингли) фильмларда 93та чекиш лавҳаси бор экан. Изланишнинг натижасида босқичда чекиш саҳнаси кўп бўлган фильмларни томоша қилишни яхши кўрадиган ўсмирлар бошқа тенгдошларига нисбатан зарарли одатга тез ва эрта қўнчилишни аниқланди. Кинода ҳар 500та чекиш саҳнаси икки йил давомида ёш томошабининг тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш эҳтимолини тахминан 33—49 фоизга ошириши маълум бўлди.

Шу билан бирга, алкоголь ичимликлар истеъмол қилинадиган лавҳалар ҳам ёшлар онгига салбий таъсир ўтказиши маълум бўлди. Изланиш натижаси алкогольли саҳналар бўлган фильмларни кўп кўрган ўсмирлар бошқаларга қараганда икки баробар кўпроқ спиртли ичимликларга руж қўйишни кўрсатди. Қолаверса, улар 63 фоиз ҳолатда ҳақиқий ичувчиларга айлиниши мумкин экан.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, бугун АҚШ кино сановатида тамаки маҳсулотининг савдо белгисини кўрсатиш ман этилган бўлса-да, бу ҳолат алкоголь ичимликларига тааллуқли эмас. Голливуд ишлаб чиқараётган фильмларнинг яримида эса камида битта спиртли ичимлик бренди берилар экан. Шу боис мутахассислар Голливудни бутун дунё аҳолисини алкоголь маҳсулотларига руж қўйиш ва ўсмирларда уларни истеъмол қилишга қизиқиш уйғотишда айбдор дея таъкидлашмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА ва ЎзДЖТУ қошидаги 3-академик лицей ўқувчиси Фирдавс ТОИРОВ тайёрлади.

ВЕЛОСИПЕД МИНГАН АЁЛЛАР

Термиз—Тошкент йўналиши бўйича йўлга чиққан поезд йўловчилари юкларини хойлаб олган, бир-бирлари билан таниша бошлади. Гурунг анча қизиқ қолди. Йўловчилар орасида қувноқ ва серпанлиги билан эътиборни тортаётган ёши қирқ бешлар атрофидаги икки нафар аёл Тошкент шаҳрида ўтказиладиган велопоёйга йўл олганини айтганда атрофдагилар ҳайратга тушди.

Кекса киши «Замонамиздан ўргилай, аёллар ҳам велосипед минса-я, яна улар ўртасида мусобақа ҳам ўтказилса», дея енгилгина жилмайиб қўйди. Шунда аёллардан бири — Бибиҳол гап бошлади:

— Уч марта жарроҳлик амалиётини бошимдан кечирдим. Соғлиғим ёмонлашаверди. Мен учрашмаган шифокору табиб қолмади. Дори-дармонлар, муолажалар кор қилавермагач, бир дўхтир «Сингил, югуриш билан шуғулланиб кўринг-чи, баъзан тиббиёт даволай олмаган касалликларга спорт шифо бўлади», деди. Шундан кейин югура бошладим. Аввал юз, икки юз метрга югурган бўлсам, кейинчалик масофани бир-икки километрга етказдим. Бир кун теле-визорда Хитой аёлларининг велосипед миниши ҳақидаги кўрсатуви кўриб қолдим. Шундан сўнг мен ҳам спортнинг

шу турини ўзимча ўргана бошладим. Велосипед минишни қўндалик машғулотиимга айлантирганимдан буён соғлиғимдан шикоятим йўқ. Бунинг устига, йўлда транспорт кутиб вақтимни йўқотмайман, йўлчири тежайман. Мана, Ўзбекистон касаба уюмлари федерацияси томонидан «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб ўтказиладиган веломарафонда Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қилгани пойтахтга кетаяпмиз. Ҳар кимнинг саломатлиги ўз қўлида.

Дарвоқе, Бибиҳол Каримова Термиз давлат университети педагогика йўналиши магистратура бўлимининг 2-босқич талабаси. У Термиз шаҳридаги 19-Меҳрибонлик уйида ишлайди. «Меҳрибонлик уйларида миллий гуруҳ тарбиясини шакллантиришнинг педагогик асослари» мавзусида илмий иш олиб бораёпти.

Тошкентга йўл олган йўловчилардан бири Бибиҳолнинг гапларини эшитиб, ҳўрсинганча сўбатга қўшилди.

Бибиҳол билан ёнма-ён ўтирган аёлнинг исми Ойгул экан. О.Бўриева Музрбод туманидаги 2-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси. У ўқитувчиларнинг бошини бир ерга қовуштириб, аёллар волейбол ва эркеклар футбол жамоасини тузган. Ҳақамлик эса унинг зиммасида. Мактаб ўқувчилари таътилга чиққан бўлса ҳам, спорт билан шуғулланишни қанда қилмайдилар. Чўки тиниб-тинчимас Ойгул стол теннисни тўғарагини ташкил қилган. Бундан ота-оналар ҳам ҳурсанд. Зойир полвон Нозимов номидаги маҳалла ва қўшни кишлоқларнинг ўттиздан зиёда ўғил-қизли ҳафтада уч кун стол тенниси билан шуғулланмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, велосипед миниш қон айланиш тизимини яхшилайдиган, мускулларни мустаҳкамлайди, организмни соғлом ва бақувват қилади. Япония, Корея, Хитой каби мамлакатларда 70—80 ёшли қариаларнинг ҳам велосипед миниши ҳақида эшитганмиз. Мана, бугун

республикаимизда ҳам бундай ижобий ҳолат ўзига хос аънамага айланмоқда. Хусусан, республикаимиздаги 35—45 ёшли хотин-қизлар ўртасида велоспорт бўйича кечган биринчиликда бу яна бир бор ўз тасдиғини топди.

— 23 йилдан буён спорт билан шуғулланаман, — дейди биринчиликда фаол қатнашган Ойгул Бўриева. — Велоспортни ривожлантириш бугунги мураккаб экологик шaroитда нихоятда муҳим деб ўйлайман. Унинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда ўз ўрни бор.

Мусобақадан сўнг велосипедчилар билан боғландик.

Тадбирда ҳаваскор велопоёйгачилар иштирок этди, — дейди Бибиҳол Каримова. — Турли вилоятлардан келган юртдошларимиз билан танишиб, қисқа вақт ичида опа-сингил бўлиб қолдик. Веломарафон жуда қизгин тарзда ўтди. Айниқса, Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйининг бир гуруҳ тарбияланувчиларига ташиқлотчилар томонидан велосипед тақдим этилгани барчани тўлқинлантирди.

Шарифа МАДРАХИМОВА, «Ma'rif» муҳбири



ИСПАН ЁШЛАРИ ҲАМ ЧЕМПИОН

Хабарингиз бор, яқинда Польша ва Украина яшил майдонларида футбол бўйича ўтказилган «Евро-2012» мусобақасида Испания терма жамоаси зафар қучганди. Яқинда 19 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги Европа чемпионатида ҳам испанларга тенг келадигани топилмади.

Пиренейлик футболчилар финалда грциялик тенгқурларига қарши тўп сурди ва яқинда 1:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди.

Шиддатли ҳужумлар билан бошлаган ўйинда икки терма жамоа ҳам финалга беҳиз этиб келмаганини намоён этди. Бироқ испанларнинг умидли ёш ҳужумчиси Хосе Родригес томонидан матчинг 80-дақиқасида қиритилган аjoyиб гол 19 ёшли Испания терма жамоасини умумий ҳисобда 6 марта чемпионга айлантирди. Айнан Х.Родригес турнирнинг «Энг серхасул тўпурари» (5та гол) деб топилиди.

ФЕДЕРАТЕР РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ

Швейцариялик теннисчи Рожер Федерер Профессионал теннисчилар ассоциацияси рейтингда узок вақт биринчи ўринни эгаллаш бўйича рекорд ўрнатди, деб хабар беради ташкилот веб-сайти.

Федерернинг етакчилиги, умуман олганда 287 ҳафтани ташкил этган. Федерер дастлаб 2004 йилда рўйхат бошига қўйрилган ва 2008 йилнинг февраль ойига қадар биринчи ўринни ҳеч кимга бермаганди. Жорий йилги Уимблдон турнирида зафар қучган Рожер яна пешқадамликни қўлга олди.

Унгача америкалик афсонавий теннисчи Пит Сампраснинг 286 ҳафта етакчилик қилгани рекорд натижа ҳисобланган. Унинг ўрнида чехиялик теннисчи Иван Лендл (270 ҳафта) қайд этилган.

Айни вақтда жаҳон рейтингининг қучли углигини сербиялик Н.Жокович ва испаниялик Р.Надалнинг тўпдариб турибди.

Абдулазиз МУСАЕВ тайёрлади.


1-Тошкент педагогика коллежи томонидан 2010 йилда Араббаева Нуржамал Турабек қизи номига берилган К 1866953 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«E and D Consulting Group» МЧК ўз фаолиятини якунлаётганини маълум қилади. Даволаб бир ой муддат мобайнида қабул қилинади. Тел.: +998973366929.



УЛАР ЎЗБЕКИСТОН ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ





2006 йили Дохада ўтказилган Осиё ўйинлари голиби.

Вадим МЕНЬКОВ, каноэчи
1987 йил 12 февралда Тошкент вилоятида туғилган. Биринчи устози — Александр Пономарёв. Чирчиқ олимпия захиралари коллежида ўқиган. Сўнгра Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган.
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи.
«Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби.
Уч карра «Дунёнинг энг кучли каноэчиси» (2009, 2010, 2011 й.) деб топилган.

2006 йили Польшада кечган жаҳон кубоги мусобақаси кумуш медали соҳиби.

2008 йили Пекин шаҳрида ўтган олимпиадада иштирокчиси.

2009 йили Рачице (Чехия) ва Познан (Польша), Сегад (Венгрия) шаҳарларида кечган жаҳон кубогининг уч босқичида 1та олтин ва 2та кумуш медални кўлга киритди.

2009 йили Канаданинг Дартмут шаҳрида кечган жаҳон чемпионати голиби (1000 м.).

2009 йили Халқаро каноэ федерацияси томонидан «Энг яхши каноэчи» деб эълон қилинди.

2010 йили Франция, Венгрия ва Германияда ўтган жаҳон кубоги босқичларида 2та олтин ва 1та кумуш медалга сазовор бўлди.

2010 йили Польшанинг Познан шаҳрида ўтган жаҳон чемпионати голиби (1000 м.).

Шунингдек, 500 метрга эшакка эшишда бронза медалини ҳам кўлга киритди.

— Байдарка ва каноэда эшакка эшиш спортчидан, аввало, куч ва чидам талаб этади. Шунингдек, енгил спорт қайиғида мувозанатни сақлаш ҳам муҳим жиҳатлардан биридир. Бир неча йиллардан буён нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, ўз имкониятларини синовдан ўтказаялман.

Олимпиада ўйшларида муносиб иштирок этиб, Ўзбекистон учун қимматли бўлган олтин медалини ҳаётда эшишга бор гайратини, салоҳиятини сафарбар этаман. Мусобақалар пайтида ҳам, машғулотлар чоғида ҳам менинг ва бошқа ўзбекистонлик спортчиларнинг муваффақиятига кўз тикиб турган миллионлаб ҳамюртларимизнинг ишончини оқлашга интиланам.

Гўзал ХУББИЕВА, енгил атлетикачи

1976 йил 2 майда туғилган. 1998 йили Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини битирган. 100 метрга югуришда қўшамиздаги энг етакчи спринтерлардан бири ҳисобланади.

Айни вақтда мураббий Е.Квятковская қўл остида Олимпиадага тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи.



2006 йили Дохада ўтган Осиё ўйинлари голиби. Япониянинг Кавасаки шаҳрида кечган халқаро турнирнинг кумуш медали соҳиби (100 м.).

2008 йили Пекин олимпиадада иштирокчиси.

2009 йили Хитойнинг бир неча шаҳарларида кечган Гран-при туркумидаги турнир голиби.

2009 йили Вьетнамнинг Ханой шаҳрида ўтган Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби.

2010 йили Хиндистонда ўтган Гран-при мусобақасида олтин ва кумуш медал соҳиби.

2010 йили Хитой Тайпейида кечган Гран-при туркумидаги турнир голиби.

2010 йили Хиндистоннинг Дехли шаҳрида ўтказилган Гран-при туркумидаги «Asian all stars athletics» турнири голиби.

2010 йили Гунажоуда кечган Осиё ўйинлари кумуш (100 м.) ва бронза (200 м.) медали соҳиби.

2011 йили Хитойда бўлиб ўтган Гран-при туркумидаги турнир голиби.

2011 йили Япониянинг Кобе шаҳрида ўтган Осиё чемпионати голиби (100 м.).

2012 йили Тайванда кечган Гран-при туркумидаги мусобақада икки бор олтин медал соҳиби.

— Лондон олимпиадасида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлганимдан, Ўзбекистон байроғи остида кимўзарларда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритганимдан жуда мамнунман. Олимпиада ўйинларидаги иштирокнинг ўзи спортчи учун катта ютуқ, бироқ зўрлар ичидан зўр эканлигини исботлай олсангиз, спорт оламида армонингиз қолмайди. Қолаверса, сайёрамизнинг икки юздан зиёд мамлакатли спортчиларини ортда қолдириб, соғирили ўринларни эгалласак, юртимизда спортни ривожлантириш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларга, қамқорликларга муносиб жавоб бўлади.



Ўктам РАҲМОНОВ, боксчи (64 кг.)

1990 йил 31 августда Қўқон шаҳрида туғилган. 7 ёшидан бошлаб бокс билан шуғулланади. Биринчи устози Одил Тошматов. Дастлаб Фарғона олимпия захиралари спорт коллежида, кейин Тошкентдаги Республика олимпия захиралари спорт коллежида таҳсил олган. Айни вақтда мураббийлар Ш.Худойбердиев ва У.Сиддиқов қўл остида Олимпиадада ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

2008 йили Мексикада ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби.

2009 йили Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирнинг кумуш медали соҳиби.

2010 йили Гуанжоу шаҳрида ўтган Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби.

2010 йили Болгариянинг Пловдив шаҳрида кечган «Strandja» халқаро турнири голиби.

2010 йили Россияда ўтган халқаро турнирнинг бронза медали соҳиби.

2011 йили Махачқалъада ўтган халқаро турнирнинг бронза медали соҳиби.

2012 йили Албанияда кечган «Vlaziia Memorial» халқаро турнири кумуш медали соҳиби.

— Асосий рақибларим Куба, Украина, Қозоғистон ва Бразилия мамлакатларидан келувчи боксчилардир. Уларга қарши Лондон рингларида мардонавор жанг олиб бориб, барчасини мағлубиятга учратиш учун ҳозир тайёргарлик машғулотларини босқичма-босқич кучайтириб бораёламиз.

Ўйлаيمانки, Англия пойтахтида кечадиган жангларда ўз иқтидорим ва кучимни тўғри йўналтириб, кўзлаган мақсадимга эришаман ҳамда она юртимга медал билан қайтаман.

2012 йили Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтган Осиё олимпия саралаш мусобақасида бронза медалга сазовор бўлди ва Лондон олимпиадасига йўлланмани кўлга киритди.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib), "Учитель Узбекистана", Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-718.
Tiraji 33294.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahriyati ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahriyati qog'ozga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahriyati javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o's-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotavda erkin narxda

Dizaynerlar: Malohat TOSHOVA, Lil'ya BINASHEVA.

Naybati muharrir: G'olib BAHROMOV.

Naybati: Sherall NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

YSA axami —21.15
Topshirildi — 21.35